

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК. 330.117(575.1) 330.117(100)**

ОДИНАЕВ ДИЛШОДЖОН ШАВКАТОВИЧ

**ДАВЛАТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ.**

5А 340103 – “Макроиқтисодиёт” ихтисослиги бўйича

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

ИЛМИЙ РАҲБАР:
Иқтисод фанлари номзоди,
доцен Муминов Н.Г.

ТОШКЕНТ-2011

М у н д а р и ж а

КИРИШ.	3-5
I Боб. Институтлар назарияси, институционализм ва институционал иқтисодиёт.	6-33
I-1. Институт тушунчаси, таърифи, кўринишлари ва уларнинг функциялари.....	6-13
I-2. Институционализм ва институтлар назарияси	14-24
I-3 Институционал иқтисодиёт: умумий тавсифи ва ўзига хос назарий хусусиятлари	25-33
II Боб. Сиёсий институтларнинг иқтисодий таҳлили.....	34-48
II-1. Давлатнинг институт сифатидаги иқтисодий назариялари.	34-40
II-2. Давлатнинг иқтисодиётдаги характери аниқловчи моделлар	41-48
III Боб. Ўзбекистонда давлат институти.....	49-89
III-1. Ўзбекистон Республикасида давлат - жамиятнинг асосий институти сифатида	49-54
III – 2. Давлат институтининг таркибий ва ташкилий тузилмаси, унинг механизми ва функциялари.....	55-74
III – 3. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги давлат институтлари ва фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти.....	75-89
ХУЛОСА	90-92
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	93-100

*Давлат тушунчаси, унинг
маъно-моҳияти тубдан ўзгарди. У
ислохотларнинг бош ташаббускори
ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи
асосий кучга айланди¹*

И.А.Каримов

К И Р И Ш

Ҳар қандай замонавий жамиятда танланган иқтисодий сиёсат доирасида иқтисодий тузилмани шакллантириш ва ривожлантиришни амалга оширишда давлат ҳал қилувчи рол ўйнайди. Унинг аниқ йўналишлари, шакллари ва кўламлиги у ёки бу мамлакатнинг ушбу даврдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларининг хусусиятларидан келиб чиқади ва албатта иқтисодиётда маълум даражадаги вазифаларнинг давлат томонидан бажарилишини ҳеч ким инкор этмайди. Давлатнинг бозор иқтисодиётидаги мақсади бозор механизмларини ўзгартириш эмас, балки унинг эркин ҳаракат қилиши учун шароит яратишдан иборат: давлатнинг тартибга солиш таъсири мумкин ва зарур бўлган ҳамма жойда таъминланиши керак.

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда, дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида мамлакатимиз эгаллаб турган ўрнини ҳолисона ва танқидий баҳолаб, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт.

Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш аҳамиятлидир.

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.107.

Глобализация, информацион-коммуникатив алоқалар ҳамда технологиянинг жадал ривожланиши шароитида давлат институтларининг аҳамияти ва улар тизимини янада ривожлантиришнинг зарурлиги ошиб бормоқда. Бу соҳадаги изчил ва реал ўзгаришларсиз мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларидаги ислохотларни чинакамига чуқурлаштиришни самарали ҳал этиб бўлмайди. Давлат ҳокимияти институтлари тизимини янада эркинлаштириш, унинг халқ билан бирлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш – мамлакатимиз сиёсий институтлари ва муносабатларини ривожлантиришнинг бош ва ҳал қилувчи йўналиши ҳисобланади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда давлат ҳокимияти институтларини янада эркинлаштириш – ҳаётий зарурият, пишиқ ва аниқ соғлом қонунлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилишининг муҳим шартидир. Ушбу тизимнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида барқарор мутаносиблик ва мувозанатга эришишдир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Давлат қадим замонлардан буён ўрганилиб, у ҳақидаги назариялар тобора давлатнинг янги-янги жиҳатларини очиб бермоқда. Давлатнинг институционал назарияси нисбатан янги назария ҳисобланиб, илк бора бу назариянинг айрим жиҳатлари Т.Веблен томонидан тадқиқ қилинган. Кейинчалик унинг ишлари Д.Норт томонидан давом эттирилган. У ўзининг “институтлар, институционал ўзгаришлар ва иқтисодиёт функциясини амалга ошириш” китобида давлатнинг институционал назариясини тавсифлаган. Давлатнинг институционал назарияси институционал иқтисодиёт фани бир бўлими ҳисобланди. А.А. Аузан, Б.В. Корнейчук, А.Н. Олейник ўзларининг институционал иқтисодиёт китобларида давлатнинг институционал назарияи таҳлил қилиниб, унинг бир қанча моделлари келтирилган.

Илмий тадқиқот объекти ва предмети. Жамиятда институтлар, хусусан, давлат институтининг ҳозирги глобаллашув шароитида тутган ўрнини, Ўзбекистонда давлат институти аҳамияти ва ўзига хосликларини ўрганиш тадқиқотнинг илмий ўрганиш объекти ҳисобланади.

Илмий иш мақсади. Иқтисодий муносабатларнинг кенг миқёсида институтларнинг вазифалари ва функциялари, бу муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилишнинг хусусан Ўзбекистондаги институционал механизмлари ҳамда устувор йўналишларини аниқлаш, тадқиқот натижалари асосида тегишли таклифлар ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши бўйича амалга оширилган илмий натижалар ва хулосалардан бакалавр-иқтисодчи талабалар учун “Иқтисодий назария”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Институционал иқтисодиёт” фанларидан талабаларнинг курс ишлари, мустақил ишлари ёзишлари ҳамда ушбу фанларга оид семинар ва мустақил таълим машғулотларига тайёргарлик кўришда кенг фойдаланиш мумкин.

Илмий тадқиқотнинг янгилиги. қуйидагиларда ўз аксини топган: Институционал нуқтаи назар томонидан давлат ўрганилиб, унинг институционал назарияси асослари очиқ берилган; ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шароитида давлат институтининг роли ва аҳамияти ўрганилган.

Тадқиқот мавзусининг назарий услубий асоси. Магистрлик диссертация ишини ёзишда иқтисодий ҳодисаларни ўрганишда институционал ёндашиш устуворлик қилади. Иқтисодий – математик усуллардан давлат моделларини тавсифлашда фойдаланилган. Таркибий, функционал, қиёсий, тизимли ва вазиятли таҳлил, гуруҳлаш, абстракциялаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Тадқиқот иши кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ушбу магистрлик диссертацияси 100 бет матндан иборат.

I БОБ. ИНСТИТУТЛАР НАЗАРИЯСИ, ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ

1. Институт тушунчаси, таърифи, кўринишлари ва уларнинг функциялари.

Институтларни ўрганишни институт сўзи этимологиясини аниқлашдан бошлаш тўғри бўлади. Институт (to institute) – инглизча ўрнатиш, жорий қилиш, таъсис қилиш, тузиш, белгилаш, тайинлаш маъноларини билдиради. Иқтисодчилар томонидан институт тушунчаси ижтимоий фанлардан, хусусан социологиядан ўзлаштирилган.

Институт деб аниқ бир эҳтиёжни қондириш учун мўлжалланган вазифа ва ҳуқуқлар йиғиндисига айтилади².

Институт тушунчасини худди шунингдек сиёсий фалсафа ва ижтимоий психология адабиётларида ҳам учратиш мумкин. Масалан Жон Ролзнинг “Одиллик назарияси”да институт тушунчаси марказий категория сифатида кўрилади.

У институтларни тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида жамиятда вазифа ҳамда мавқени аниқлаб берувчи ижтимоий қоидалар тизими сифатида таърифлайди. Бу қоидалар аниқ бир фаолият шакллари таъқиқланмаган, бошқаларини эса таъқиқланганларига таснифлаб, шулар асосида бир фаолиятни жазолаш, иккинчисини эса зўравонлик юз берганда ҳимоя қилишни назарда тутди. Мисол сифатида ўйинлар, диний маросимлар, суд ва парламент, бозор ва эғалик тизимини келтириш мумкин.³

Иқтисодий назарияга институт тушунчаси илк бор Торстейн Веблен томонидан киритилган.

² Смелзер Н. Социология. М., 1994. С.79.

³ Ролз Дж. Теория справедливости Новосибирск, 1995. С. 61-62.

Институтлар – жамият турмуш тарзининг кенг тарқалган тасаввури, бошқача қилиб айтганда фикрнинг одатга айланган шундай кўринишики, улар асосида инсонлар яшашади.⁴

Шунингдек институт сифатида Веблен қуйидагиларни тушунган:

- рағбатларга муносабат билдиришнинг одатий усуллари
- ишлаб чиқариш ёки иқтисодий механизмлар тузилиши
- ҳозирги замонда қабул қилинган ижтимоий ҳаёт тизими

Институционализмнинг бошқа асосчиси ҳисобланмиш Жон Коммонс институтга қуйидагича таъриф беради:

Институт – индивидуал фаолиятни назорат қилиш, эркинлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган жамоавий фаолиятдир.

Институционализмнинг бошқа классик намоёнчаси бўлмиш Уэсли Митчелл эса қуйидагича таърифлаган:

Институтлар – юқори даражада стандартлаштирилган ва устунлик қилувчи ижтимоий одатлар.

Ҳозирги даврда институтнинг энг кенг тарқалган таърифи янги институционализм доирасидаги Дуглас Нортнинг трактатидир:

Институтлар – одамлар орасидаги ўзаро муносабатни ташкил этувчи хулқ-атвор нормалари, қоидалар ва уларни бажарилишини таъминловчи механизмлардир.⁵

Индивиднинг иқтисодий фаолияти изоляцияланган маконда эмас, балки аниқ бир жамиятда кечади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг бу ҳаракатларга муносабати катта аҳамиятга эга. Унга кўра бир жойда мақбул бўлган ҳамда даромад келтирувчи битимлар бир хил бўлган бошқа ҳолларда мақсадга мувофиқ бўлиб чиқмайди.

У ёки бу қарорнинг қабул қилиниши ва унинг муваффақиятига таъсир қилувчи кўплаб ташқи омилларнинг ўзаро бирлашишини олдини олиш

4 Веблен Т. Теория праздного класса. М., 1984. С. 201-202.

5 Норт Д. Институты и экономический рост: историческое введение // Тезис. Т.1. Вып.2. М., 1993. С.73.

мақсадида иқтисодий ва ижтимоий тартиблар доирасида, шу шароитда энг мақбул ҳисобланувчи хулқ-атвор схемалари ва алгоритмлари ишлаб чиқилади. Индивидларнинг бу схема ва алгоритмлари ёки хулқ-атвор матрицалари институтдан бўлак бошқа нарса эмас.

Юқорида келтирилган институтнинг таърифлари бир неча тўлиқ бўлмаган, яъни, кўрилатган ҳодисанинг қайсидир бир жиҳатларини акс эттирадиган алоҳида таърифларни ўз ичига олади. Бундай таърифларнинг ҳар бири институтни таърифлашнинг алоҳида ёндашуви доирасида шаклланади.

Меъёрий ёндашув. Институт инсонга хулқи ҳамда юриш-туришини тартибга солувчи сингдирилган ташқи қоида сифатида кўриб чиқилади. Бу ерда институт инсон танлови эркинлигининг ташқи чегараловчиси сифатида намоён бўлади.

Этик ёндашув. Институт битта хулқ-атвор альтернативасини кўпгина танланиши мумкин бўлган бошқа альтернативалар ичидан танланишига таъсир қилиувчи инсоннинг этик (ахлоқий, рухий, баҳовий) қараши сифатида кўрилади. Этик нуқтаи назар инсон ихтиёрида мавжуд бўлган хулқ-атвор альтернативаларини уларнинг танлана олиш даражалари бўйича қўйиб чиқиш ҳамда улар орасидан энг мақбулини яъни энг яхшисини танлаш имконини беради. Бунда инсон танловига ўзининг этик қарашларидан ташқари бошқа ҳеч қандай омиллар таъсир кўрсатмаслиги тушунилади.

Информацион ёндашув. Институт инсонларнинг кўп авлодлари томонидан ишлаб чиқилган, ҳозирда яшаётган авлодлар томонидан ўзлаштирилган ва ўзида тавсиявий хулқ-атвор меъёрларини мужассамлаштирган ўзига хос билим сифатида қаралади.

Эволюцион ёндашув. Институт тавсифининг эволюцион ёндашуви юқорида кўрилган информацион ёндашувнинг ривожига ҳисобланади. Ҳар бир мавжуд институт институтлар табиий танланишининг тарихий жараёни маҳсулоти сифатида қаралади, яъни уларнинг эволюцияси сифатида.

Институтлар эволюцияси концепцияси умумий биологиядан ўзлаштирилган бўлиб, унда институт ҳайвон организмнинг гени каби тушинилади: у бошқа институлар билан ўзаро таъсир жараёнида, яшаш учун курашдаги каби, ўзгарувчи ва бошқа янги институт кўринишда узатилувчи катта ҳажмдаги наслий маълумот билан характерланади.

Ўйин ёндашуви. Институт индивид бошқа индивидлар билан ўйнаётган қандайдир ўйиннинг қоидаси сифатида қаралади. Ўйин ёндашув бир қанча соддалаштирилган фаразларга асосланади. Биринчидан, ҳар бир индивиднинг хулқ-атвори аниқ бир миқдорий кўрсаткични максималлаштириш учун ўйналтирилган бўлади. Иккинчидан, вақтнинг ҳар бир даврида индивиднинг хулқ-атвори, у ўзгартира олмайдиган, тақдим этилган хулқ-атворнинг мумкин бўлган кўплаб варинатлари орасидан биттасини танлаш билан ифодаланади. Учинчидан, индивидга у билан бирга ўйин олиб бораётган индивидларнинг барча мумкин бўлган юришлари маълум бўлади. Тўртинчидан, индивид ўз юришини ноаниқлик шароитида амалга оширади, яъни унинг рақиблари юришларини аввалдан била олмайди.

Трансакцион ёндашув. Бу ёндашувга кўра ижтимоий хулқ-атвор қоидалари амал қилиш доираси тегишли қоидаларга риоя қилинганлиги ёки улар бузулганлиги ҳақида ҳукм қилиш имконини берувчи характеристика ёки ўзига хос хусусиятлар қимматлилиги билан чегараланади. Давлат (принципал) қоидаларга амал қилиниши назоратини хизматлари тўлов талаб қилувчи агентларга (милиция, судья ва ҳ.к.) юклайди. Институтларнинг фаолият олиб боришини таъминлаш билан боғлиқ бу турдаги харажатлар трансакцион харажатлар деб аталади. Харажатларнинг бундай номланишига сабаб ушбу ёндашувда асосан бозор институтлари кўриб чиқилади, бунда муҳим ижтимоий муносабат шакли сифатида бозор трансакцияси (инг. transaction — битим, келишув) чиқади.

Шартномавий ёндашув. Институт жамият аъзолари ўртасидаги кўп томонлама келишув сифатида кўриб чиқилади. Бу келишув мажбурият юклайдиган ва юкламайдиган келишув кўринишида бўлиши мумкин. Расмийлашган ва норасмий кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Бу ёндашувда инсон хулқ-атвори амалда бўлган кўп томонлама шартнома тузулишида берилаган инсоннинг жамият олдидаги мажбуриятлари билан тавсифланади. “Шартномавий инсон” – ўзига юклатилган ижтимоий ва шахсий характердаги мажбуриятларни бажаришга интилувчи инсон.

Ижтимоий ёндашув социология одамлар орасидаги ўзаро муносабат ходисасининг умумий хусусиятларини ўрганувчи фан эканлиги ҳақидаги фикрга асосланган, алоҳида қирралар тадқиқоти эса махсус ижтимоий фанлар орқали амалга оширилади, шу қаторда иқтисод билан ҳам. Социологияни иқтисодиёт устидан ҳукумронлигини фараз қилиб, социологик ёндашув тарафдорлари иқтисодий институтлар муаммосини умумсоциологик нуқтаи назардан кўриб чиқишади. Бунда марказий категория сифатида социал ўзаро муносабатлар ўртага чиқади.

Ташкилий ёндашув институтни ташкилот сифатида кўриб чиқади, яъни ижтимоий муҳит алоҳида қисмларининг ўзаро муносабатларидаги ички тартибийлиги, келишилганлиги сифатида. “Ташкилот” атамаси кенг қамровли объектив тадқиқотларни билдиради – оддий индивидуал хулқ-атвордан тортиб то жамоавий институт кўринишидаги қоидалар системасигача: корхона, сиёсий партия, давлат.

Институтларга бўлган эҳтиёж одамларнинг ўзаро муносабатларида бир нечта мувозанатлар, самарасиз мувозанат ёки адолатсиз мувозанат бўлган шароитда пайдо бўлади.

Жамиятнинг таркибий элементи бўлмиш институт пайдо бўлиши ва ривожланиши учун алоҳида шароитлар керак бўлади:

1. Жамиятда унинг кўпчилик аъзолари томонидан англланган шундай эҳтиёж пайдо бўлиши ва тарқалиши керакки, кейинчалик у янги институт пайдо бўлишига асос бўлади.

2. Ушбу эҳтиёжни қондиришга хизмат қилувчи воситаларнинг мавжудлиги, яъни жамият учун керак бўлган янги эҳтиёжни амалга оширувчи функциялар, фаолиятлар, операциялар, алоҳида мақсадлар тизимининг шаклланиши.

3. Институт ўз мақсадини амалга ошириши учун керакли ресурслар билан таъминланиши (материал, молиявий, меҳнат, ташкилий) ҳамда жамият томонидан уларнинг ўрни тўлдириб борилиши лозим.

4. Такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун институтга ўзига хос маданий муҳит лозим, яъни фақатгина ўзига хос субмаданият (ушбу институтга тегишли одамларни бошқаларидан ажратиб турувчи ўзига хос конунлар, ҳаракатлар, хулқ-атвор қоидалари) шаклларниши керак.

Дуглас Норт таърифига кўра ҳар қандай институт – иқтисодий, ижтимоий, маданий бўлмасин жамиятдаги “ўйин” қоидасидир. Одамлар фаолияти характери мутлақ эркиндир. Уларни броун ҳаракатига қиёслаш мумкин. Ўз манфаатларини кўзлаб одамлар бир-бирлари билан тўқнашадилар ва бир – бирларига зиён етказадилар. Шунинг учун институтнинг биринчи функцияси – одамлар хулқ-атворини шундай тартибга солишки, улар бир-бирларига зиён етказишмасин ёки етказилган зиён нима биландир зарари қопланисин. Институтларнинг иккинчи функцияси одамлар бир-бирини топиш ва ўзаро келишиш учун кетадиган сарфларни минималлаштиришдир. Институтнинг вазифаси керакли одамларни, товар ва маданий бойликларни излаш ҳамда одамлар ўзаро келишишлари имкониятини осонлаштириш сарфларини минималлаштиришдир. Ниҳоят, институтларнинг учинчи функцияси ахборот узатиш ёки ўқитиш жараёнини ташкил қилишдир (Мисол учун бу вазифани мактаблар бажаради). Институтларнинг фаолият соҳасидан қатъий назар асосий функциялари шулардир. Институтлар – одамлар томонидан яратилган қандайдир

чегараловчи доира бўлиб, бир-бирлари билан тўқнашмасликка, А нуқтадан Б нуқтагача бўлган масофани соддалаштиришга, музокаралар ўтказишни осонлаштиришга ва келишувларга эришишга қаратилгандир.

Институтларнинг асосий хусусиятлари⁶:

1. Институтлар иқтисодий назариянинг асосий вазифасини бажаришади – маълум фаолиятлар йиғиндиси натижасини (яъни ушбу фаолиятга бўлган ижтимоий муносабат) прогноз қилина олишини таъминлайди ва шу билан иқтисодий фаолиятга барқарорлик беради. У ёки бу институт шуни назарда тутадик, қайсидир жойга бориб сиз юқори эҳтимоллик даражаси билан сизга аввалдан маълум бўлган қандайдир ресурсларни сарфлаб излаганингизни оласиз. Айтайлик, магазинга бориб сиз маълум миқдордаги пулни сарфлаб сизнинг у ёки бу эҳтиёжингизни қондирадиган товарга эга бўласиз. Бу бозор институти. Бошқа мисол, шуни аниқ биласизки, банкка бориб, ўз даромадларингиз идентификацияси учун маълум вақт сарфлаб, ихтиёрингизга у ёки бу миқдордаги маблағга эга бўласиз. Бу кредит институти.

2. Институт унга хос бўлган ўргатиш жараёни туфайли мерос бўлиб ўтади. Ўқитиш билан ихтисослашган ташкилотлар (одатда шундай ҳам бўлади) шуғулланиши мумкин. Бироқ ўқитиш «learning by doing» даражасида ҳам бўлиши мумкин, яъни одамлар иш жараёнида ўзидан тажрибалироқ ҳамкасабаларини кузатишади ва худди улардек иш бажаришади.

3. Институтларга рағбатлаш тизими ҳосдир, уларсиз институт мавжуд бўла олмайди. Агарда ижобий (маълум қоидаларга амал қилганлиги учун мукофот) ва салбий (маълум қоидалар бузуганлиги учун жазо) рағбатлаш тизими бўлмаса, институт шунчаки йўқ дегани.

4. Институтлар индивид фаолияти эркинлиги ва ҳавфсизлигини маълум қонунлар доирасида таъминлайди, бу иқтисодий агентлар томонидан юқори

6 Я.И. Кузьминов, М.М. Юдкевич Институциональная экономика курс лекций ст 41.

баҳоланади. Фаолиятда сиз эркин бўладиган ва сизни қонун жазоламайдиган катта институтционал чегара мавжуд – C_1 , фаолиятда эркин бўладиган ва сизни жамоат фикри жазоламайдиган C_2 институтционал чегара мавжуд.

5. Технологиялар ишлаб чиқариш харажатларини камайтиргани сингари институтлар трансакцион харажатларни қисқартиради (яъни, маълумот қидиришга, уни қайта ишлашга, баҳолашга ва у ёки бу шартноманинг специфик ҳимояси билан боғлиқ харжатлар.)

Агар иқтисодий агент давлат бўлмаган тизимда фаолият олиб борса, контрагентга шартнома шартларини бажартириш мақсадида уларга зўрлик кўрсатиш ёки зўрлик кўрсатиш билан таҳдид қилиш учун қандайдир одамларни ёллаши лозим бўлади (ёввойи Ғарбда бўлгани сингари). Бу жуда қимматлилиги ҳаммага равшан. Бундан ташқари, ҳозирги замон шароитларида кўп ҳолларда умрбод “бандит томи” остида қолади (ёрдам сўраб борилган корпорация охир оқибат ёрдам сўраб келганни ютиб юборади). Агарда иқтисодий агент кучли давлат мавжуд бўлган тизимда фаолият олиб борса, давлат унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Агент шунчаки судга арз қилиб катта бўлмаган суд сарфлари эвазига ишни ютиб чиқади. Шу аснода у бошқа альтернатив мажбурловчи кучга кетадиган жуда катта трансакцион харажатларни иқтисод қилади.

2. Институционализм ва институтлар назарияси

Бу назария таҳлилининг марказида институтлар – одамлар томонидан яратиладиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни ташкил топтирувчи чегаралар туради⁷.

Институционал таҳлил анча илгари пайдо бўлган бўлсада, иқтисодий таълимотларнинг mainstream(асосий оқим)га қўшилганига эндиgina 35 йил бўлди. Бунгача институтционализм классик иқтисодий назарияга қарама-қарши, уни танқид қилувчи назария сифатида мавжуд эди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида юзага келган муайян-тарихий шароит таъсирида АҚШ социал-иқтисодий жихатдан дунёда энг ривожланган мамлакатга айланди. Айнан Америкада биринчи бўлиб эркин рақобатга асосланган иқтисодиётнинг монополистик иқтисодиётга ўтиши билан боғлиқ бўлган муаммолар анча кескин шаклда намоён бўла бошлади. Бу АҚШда илк бор антимонопол чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишига, уларнинг XIX асрнинг охирида мамлакатда қўлланишилшига асосий сабаблардан бири бўлди. Кейинчалик дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар бундай чора-тадбирлардан кенг қўллана бошлади.

XX асрнинг бошида АҚШ иқтисодчи-олимлари иқтисодиётда кучайиб бораётган монополистик тенденцияларни таҳлил қилгач ва ўз мамлакатининг «антитрест» сиёсати таъсир кўрсатгач, иқтисодиёт устидан социал назорат қилиш концепциясига асос солди. Уларнинг назарияси ҳозирги кунда иқтисодий фанда социал институционал ёки оддий қилиб айтганда институционализм деб аталувчи янги йўналишни бошлаб берди

«Институционализм» атамаси асосида «институт» тушунчаси ётади, у институционалистлар томонидан иқтисодиётда ва ундан ташқаридаги ривожланишда асосий куч сифатида кўрилади. Институционализм тарафдорлари «институт»ларга ҳар хил категория ва тушунчаларни (масалан, давлат, оила, тадбиркорлик, монополиялар, хусусий мулкчилик, касаба

⁷ Олейник А. Социальная политика: пути достижения эффективности// ПОЛИС — Политические исследования. 1998. № 5. С. 139-144.

уюшмалари, дин, ахлоқ ва шу кабилар), мамлакатдаги анъана, урф-одат, этика, ҳуқуқий қоидалар, ижтимоий психология ва асосийси - иқтисодиёт эволюциясини киритадилар.

Институционализм – бу маълум маънода иқтисодий назариядаги янги классик йўналишга муқобилдир. Агар янги классиклар А.Смитнинг бозор ҳўжалиги механизмининг тақомиллашганлиги ва иқтисодиётнинг ўзини-ўзи тартиблаши тўғрисидаги тезисига ва «соф иқтисодий фан» га амал қилсалар, институционалистлар эса моддий омиллар билан бирга иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб рухий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқ омилларни ҳисоблайдилар. Бошқача айтганда, институционализм ўзи таҳлил қиладиган предмет сифатида социал-иқтисодий ривожланишнинг ҳам иқтисодий, ҳам ноиқтисодий муаммоларни илгари сурди. Бунда тадқиқот объекти институтлар-бирламчи ёки иккиламчи турларга ажратилмайди ва бир-бирларига қарши қўйилмайди.

Т.Веблен–институционализм асосчиси. Институционализмнинг ватани АҚШ, унинг асосчиси Торстен Веблен (1857-1929) ҳисобланади. Замонавий институционализм йўналишининг дастлабки кўринишлари Т.Вебленнинг «Бекорчилар синфи назарияси» асарида изоҳлаб берилган.

Мазкур китоб муаллифининг фикрига кўра, иқтисодий назариялар билан иқтисодий реаллик ўртасида жуда катта узилиш мавжуд. Биринчиси, гормонияга (мувозанатга) асосланади, иккинчисида узлуксиз эволюция содир бўлади, яшаш учун кескин кураш кетади. Буюмнинг фойдалилиги ва унга эришишнинг қийин ва мушкуллигини доимо таққослаб борувчи «иқтисодий одам» модели шак-шубҳасиз эскирди. Ҳақиқатда эса инсоннинг ҳатти ҳаракати жуда кўп омилларга боғлиқ, кўпинча ички қарама-қаршиликларга. Тақлид қилишга ва рақибликка бўлган туғма мойиллик билан бирга, унинг ҳатти ҳаракатига анъана, ахлоқ, урф-одат, шунингдек обрўга бўлган интилиш жуда кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун иқтисодий таҳлил қилишда ҳар хил «институтларни» (улар юқорида кўриб чиқилди) ҳисобга олиш зарур.

Т.Вебленнинг фикрига кўра, алоҳида субъектларнинг ҳатти ҳаракатини эмас, балки касаба уюшмаларининг, сиёсий партияларнинг иш ҳаракатини ўрганиш керак. Иқтисодий назария билан иқтисодий субъектларнинг асосий унсурлари (ер эгалари, ишчилар, капиталистлар ва инженер - техник ишчилар) ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётда уларнинг роли ҳар хилдир.

Бозор ҳўжалиги амал қилишининг дастлабки босқичида ҳоқимият ва мулк тадбиркорлар қўлида бўлади. Олдин ягона бўлган бу синф кейинчалик капитал эгаларига ва ишлаб чиқаришни ташкил этувчиларга бўлинади. Капитал эгаларини фақат ўз капиталларига келадиган фойда қизиқтиради, улар ўз капиталларини ишлаб чиқаришга қўймайдилар, балки фақатгина кредитга берадилар. Уларнинг даромад манбаи реал сектор эмас, балки молия соҳасида айланиб турувчи қимматли қоғозлар ҳисобланади. Бу маънода капитал эгалари бекорчилар синфини ташкил этади. Ишчилар, шунингдек ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар ва техник мутахассислар унумли синф ҳисобланадилар, улар ўз капиталларига эга эмас ва бекорчилар синфи кредитга қўйган воситалардан фойдаланиб иш юритадилар.

Бекорчилар синфининг ҳукумронлик мавқеи барча иқтисодиётда кредитнинг ролини ҳаддан ташқари ошириб юборади. Капиталнинг анчагина қисми чайқовчилик мақсадларга фойдаланилади ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилмайди. Кредит инфляцияси вужудга келади, унинг орқасидан ссудани зудлик билан қоплаш талаби зарурлиги келиб чиқади. Натижада оммавий банкротлик ва турғунлик юзага чиқади, улар ўзининг давом этиши муддати бўйича иқтисодий юксалиш давридан анча ортиб кетади.

Бекорчилар синфи билан унумли синф ўртасидаги антагонизмнинг ечилиши ҳоқимиятнинг технократлар қўлиги ўтишига олиб келади. Капиталга бўлган мулкчилик акционерлик шаклини олади ва шу билан ҳусусий мулк бўлишдан тўхтади.

Институционализм йўналишига янги ҳаёт бағишлаган Америка иқтисодчилари Жон Коммонс (1862-1945) ва Уэсли Митчелл (1874-1948) ҳисобланади.

Ж.Коммонс ўзининг «институционал иқтисодиёт» китобида хўжалик жараёнларга таъсир этувчи ҳар хил ноиқтисодий (аввало ҳуқуқий) омилларни тадқиқот қилди. У Америка ишчилар ҳаракати, касаба уюшмаларининг ва тадбиркорлар иттифоқининг ташкил топиши тарихини ўрганди, меҳнат ҳуқуқини таҳлил қилди. Ж.Коммонс фикрига кўра, жамиятнинг ҳуқуқий тизими хўжалик ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унингча, битим иқтисодий тизимнинг бош бўғини ҳисобланади. Битим иштирокчилари сифатида кўпроқ индивидлар эмас, балки касаба уюшмалари ва тадбиркорлар иттифоқлари катнашадилар. Битим ўз табиатига кўра унинг иштирокчилари манфаатлари ихтилофли бўлишини тақозо этади. Бунда ҳакамлик вазифасини давлат ўз зиммасига олади. У вужудга келадиган қарама-қаршиликларни ечиб бериш учун ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиши лозим. Масалан, ёлланма ишчилар билан тадбиркорлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар касаба уюшмалари ва тадбиркорларнинг мақсадга мувофиқ ўзаро таъсири, самарали меҳнат ҳуқуқи ва махсус ҳукумат ҳайъати фаолияти туфайли ечилиши мумкин.

Ж.Коммонс ўзининг ижтимоий ҳаётга бўлган қарашларини тажрибада реализация қилиш мақсадида Америка меҳнат федерацияси билан фаол ҳамкорликда иш юритди. 1935 йили унинг таъсирида ақшда пенсия таъминотига асос солган «Социал ҳимоя тўғрисида акт» қабул қилинди.

У.Митчелл фикрига кўра кишилар фаолиятида асосий ҳаракатлантирувчи куч пул ҳисобланади. Айнан молиявий институтлар инсон ҳатти ҳаракатининг характерини аниқлаб беради. У.Митчелл ўз асарларида ахборотларни ишлашда статистик таҳлил воситаларидан ва математик услублардан кенг қўлланди. Мазкур услуб бозор конъюктураси динамикасини эмпирик (тажрибага асосланган) тадқиқот қилишга, капиталистик хўжаликнинг бир қатор циклли тебраниш қонуниятларини

очиb беришга имкон берди. Унингча, ҳар бир цикл ўзига хослиги билан ажиралиб турилади, уларнинг асосида жуда кўп сабаблар ётади, улар бетакрордир. Шунинг учун битта универсал цикллар назарияси бўлиши мумкин эмас.

У.Митчелл ўз тадқиқодларига асосланган ҳолда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ёрдамида инқирозсиз цикл концепциясини асослаб беришга ҳаракат қилди. Махсус давлат режалаштирувчи органларини тузиш, унинг фикрига кўра, циклли тебранишни юмшатиш ва қулай иқтисодий конъюктурага эришиш воситаси бўлиши керак. Бунда режалаштириш мажбурий характерда эмас, балки тавсияли характерда бўлиб, у реал, эришиш мумкин бўлган пировард мақсадлар кўзда тутилган илмий прогнозлаштиришга асосланган.

У. Митчеллни АҚШда иқтисодий тадқиқодлар миллий бюроси асосчиси ва иқтисодиётдаги циклли ҳодисаларни биринчилардан бўлиб тадқиқот қилган иқтисодчи деб тан олинди унга катта шухрат келтирди. У психологик таҳлилни ҳисобга олган ҳолда, социал-маданий муаммолар билан биргаликда пул, молия ва кредит омиллари соҳасидаги иқтисодиётга давлатнинг таъсир кўрсатиши мумкин ва зарур деб ҳисоблади.

Институционалистлар аста-секин бошқа иқтисодий мактаблар талқин қила бошлаган иқтисодий муаммоларни таҳлил қила бошладилар. Лекин бунда улар ўз таҳлилини ҳар хил сиёсий ва социал маданий институтларни ҳисобга олган ҳолда олиб бордилар. Асосий эътибор ижтимоий самарадорлик ва ижтимоий харажатлар тушунчасига берилди бошлади.

Ж.К.Гелбрейт: «Янги индустриал жамият концепцияси». Иккинчи жаҳон урушидан кейин соф институционализм бир оз сусайди, аммо Жон Кеннет Гелбрейт (1909 йил туғилган) асарларида бир мунча ўзгарган шаклда қайтадан тикланди. Унинг «Янги индустриал жамият» номли асосий асари иқтисодиётда «техноструктура»нинг таҳлили ва ролига бағишланган. Техноструктура деганда, Ж.К.Гелбрейт фикрича, техналогия, бошқарув, молия бўйича олимларни, конструкторларни, мутахассисларни ўз ичига

олувчи жамият қатламлари ва умуман олганда, йирик корпорацияларнинг нормал ишлашини таъминлаш учун керак бўлган барча нарсалар тушунилади.

Ж.К.Гелбрейт фикрига кўра, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ҳатти ҳаракати мураккаб техникаларни ишлаб чиқарувчи йирик корпорациялар билан аниқланади. Замонавий корпорацияларда реал иқтисодий ҳокимият капитал эгаларига эмас ва ҳатто менежерларга ҳам эмас, балки технологик билим эгалари – техноструктурага тегишли бўлади. Техноструктура вакиллари ишлаб чиқариш тўғрисида ўзига хос профессионал билимга ва қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларга эга. Албатта, расмий жихатдан муҳим қарорлар, коидага кўра, компаниянинг етакчи менежерлари – директор ва унинг ўринбосарларининг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади. Лекин барча қарорларни қабул қилиш деярли 100 фоиз ахборотларга боғлиқ. Ахборотлар эса техноструктура «назорати» остида бўлади.

Техноструктуранинг ҳукмронлик қилиш сабабини Ж.К.Гелбрейт тарихий ўхшашлик нуқтаи назаридан асослаб беришга ҳаракат қилади. Индустириал жамиятгача бўлган даврда асосий ишлаб чиқариш омили ер ҳисобланган, негаки у анча ноёб ресурс сифатида бўлган. Шунинг учун реал ҳокимият ер эгаларига қарашли бўлган. Буюк географик кашфиётлар ва саноат тўнтарилиши натижасида ер ресурслари ўзининг ноёблик хусусиятини йўқотади ва ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омили капитал келиб чиқади. Ҳокимият капитал эгалари қўлига ўтади. Замонавий жамиятда энг ноёб ресурс – ахборот, фан-техника билими. Шунинг учун реал ҳокимият техноструктура қўлида.

Т.Веблен ўз назариясида, технократия жамиятда олдинги қаторларда бўлиш керак деб айтган бўлса, Ж.К.Гелбрейт эса, у амалга оширилди деб тасдиқлайди.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг барча энг муҳим ҳодисаларини Ж.К.Гелбрейт замонавий техника тараққиётининг тўғридан-тўғри ва бевосита натижаси деб тушунтиради. Техника ва технология, унинг фикрига

кўра, ҳозирги замон капитализми учун характерли бўлган янги иқтисодий белгиларни вужудга келтиради. Улардан энг муҳими режалаштиришдир. Корпорацияларни бошқарувчи техноструктура уларнинг иш фаолиятини бир неча йил олдинга режалаштиради. Режалаштириш ва битимлар тизими (хом ашё, асбоб уқуналар, илмий ва конструкторлик ишламаларни етказиб бериш бўйича) барқарорликни келтириб чиқаради, рақобатни эса бартараф этади. Чунки режа рақобат билан унчалик «чиқиша олмайди». Шунинг учун ҳозирги замон иқтисодиётида муттасил ва ҳар томонлама корпорациялараро шартномалар тузуладик, улар бозорнинг бошқарилиб турилишини, барқарор бўлишини таъминлайди. Стихияли бозор ва эркин рақобат фақат дарсликларда қолиб кетади, замонавий ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти эса, узоқ муддатли режалаштириш асосида техноструктура билан бошқарилиб турилади.

Ж.К.Гелбрейт ўзининг кейинги асарларида техноструктурага нисбатан танқидий фикрларни айтган. У инфраструктурани «бозор тизимини» эксплуатация қилишда (майда ва ўрта бизнесни), давлат амалдорлари билан кўшилиб кетишда, қуролланиш кетидан қувишда, табиий ресурслардан фойдаланишдаги исрофгарчиликда, бозорга таъсир кўрсатишнинг монополистик услубларини қўллашда айиблади. Йирик корпорациялар давлат машинаси билан узвий боғланган ва ундан наф кўради: қулай буюртмаларни ва солиқ имтиёзларини олади, рақобат курашида сиёсий механизмдан фойдаланади. Ж.К.Гелбрейт давлат ва жамият томонидан техноструктура фаолияти тартибга солиниб турилишини қайд қилиб ўтади.

У шунингдек майда ва ўрта тадбиркорликни ва социал техноструктурани (уй-жой қурилишини, ижтимоий транспортни, тиббий хизматни, қишлоқ хўжалигини, санъатни) давлатнинг қўллаб қувватлашини талаб қилиб чиқди. «Бозор тизимида» баҳони ва иш ҳақини бевосита тартиблаш, унинг фикрича, тадбиркорларда ва ишчиларда келгусидаги баҳо ва даромадларга бўлган ишончини ўйғотади. Бу ишлаб чиқариш ва хусусий инвестицияларнинг барқарорлашувига олиб келади. Давлатнинг аралашуви

энг аввало «бозор тизими» зарар кўрадиган инфляцияни тўхтатиш учун ҳам зарур. Ҳукумат корпорациялар билан нуфузли касаба уюшмаларининг ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнига аралашуви ва йирик бизнесдаги баҳо ва меҳнат ҳақи даражсини бевосита назорат қилиб туриши керак.

Конвергенция концепцияси. Нобель мукофоти соҳиби, голландиялик олим Ян Тинберген 60-йиллари илгари сурган конвергенция концепцияси кўпчилик иқтисодчилар томонидан қўллаб қувватланди. Ушбу концепцияга кўра капитализм билан социализм ривожлана борган сари ҳар иккаласида ўхшаш белгилар юзага келади (капитализмда режали иш роли ошиб боради, социализмда бозор муносабатлари ривожланади), тафовутлар аста-секин йўқолиб боради. Ишлаб чиқариш шароитлари, маданият ва фан-техниканинг ривожланиши умумий тараққиёт натижасида ҳар иккаласида тобора бир хиллашиб боради. Капитализм ҳам, социализм ҳам айтиб бир хил муаммоларни ҳал қилишга, уларни ҳал этишнинг бир хил услубларини қўллашга интилади.

Конвергенция техникада, иқтисодиётда, сиёсатда, социал соҳада кузатилади. Я.Тинберген ҳозирги пайтда ҳеч қаерда «соф капитализм» йўқ деб ҳисоблайди. Бу борада фикр юритган Ж.К.Гелбрейт техника тараққиётини капитализм ва социализмнинг яқинлашуви негизи сифатида илгари суради. У конвергенция мойиллигини йирик ишлаб чиқаришнинг ўсишида, жами талабнинг давлат томонидан тартибга солиниб туриши ва ҳақозоларда кўради. “Гўё турлича бўлган иккита индустриал тизимнинг конвергенцияси ҳамма энг муҳим соҳаларда содир бўлаётганлигини кўриб турибмиз” - деб хулоса қилади Гелбрейт.

Иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб туришни биринчи ўринга қўйган А.Бергсон «ҳар иккала тизим унчалик хилма-хил эмас ва кейинчалик улар ўртасидаги тафовут янада кўпроқ камайиб бориши мумкин», деб ёзади.

Америка социологи П.Сорокин барча асосий йўналишлар бўйича табиатшунослик ва техника, ижтимоий фанлар, маориф, санъат, дин, никоҳ

ва оила, иқтисодий тизим, ижтимоий муносабатлар, сиёсий тизим соҳаларида капитализм билан социализмнинг яқинлашувини тарғиб қилди. Унинг фикрича, капитализм ва социализмнинг ўзаро конвергенцияси оқибатида улардан фарқ қиладиган қандайдир оралиқ жамият юзага келади.

Урушдан кейинги йиллари институционалистлар ўзлари олдин таклиф қилган «бошқарувчилар инқилоби» ва «жамоа капитализми» концепцияларини давом эттирдилар. Мазкур концепцияга биноан ҳозирги замон Ғарб мамлакатларида ҳокимият айрим шахслар қўлида эмас, балки жамоалар, энг аввало технократлар ва менежерлар қўлида бўлади. Бу мулкнинг жуда кўп майда акционерлар ўртасида бўлиниб кетиши билан ва ишлаб чиқариш жараёнининг қийинлаши билан боғлиқ. Институционалистлар томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий фандаги бошқа йўналиш – иқтисодий ривожланиш назариясидир. Бунда асосий эътибор иқтисодий ўсишнинг техникавий-хўжалик омилларига (техниканинг ривожланиши даражаси, ижтимоий маҳсулотдаги инвестициялар улуши ва б.) қаратилган.

40-йиллари «халқ капитализми» концепцияси шаклланди, унда XIX аср охиридан бошлаб капиталистик тизимда юз берган ўзгаришлар қайд этилади. Йирик корпорациялар ва давлат томонидан бозорнинг тартибга солиниб турилиши бозордаги беқарорликни ва ортиқча ишлаб чиқариш инқирозини бартараф этишга имкон беради. Акцияларнинг кенг тарзда тарқалиши ёлланма ишчиларни капитал эгаларига айлантиради, бу ҳол аста-секин капиталистлар билан ёлланма ишчилар ўртасидаги қарама-қаршиликка барҳам беради. Давлатнинг фаол қайта тақсимлаш сиёсати, кенг аҳоли қатламининг мулкчиликда ва кичик бизнесда қатнашиши, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари туфайли умумий фаровонлик даражасининг ошиши - булар ҳаммаси социал гуруҳлар ўртасидаги тафовутни йўқотади, синфий ихтилоф асосини бартараф этади.

Мазкур ўзгаришлар жамиятнинг социал-психологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатди ва иқтисодий ривожланишга имконият яратиб берди. Бу

хусусида Р.Хейлбрунер тасдиқлаганидек: «капитализм янги тизим туфайли анча диққатга сазовор ва ҳеч қачон бошидан кечирмаган узок муддатли иқтисодий ўсиш йўлига ўтди. Ушбу тизим туфайли саноати ривожланган мамлакатларда аҳолининг кенг қатламини ўз ичига олган мислсиз ривожланиш қўлга киритилди».

«Индустриал жамиятдан кейинги жамият». 60-йилларнинг охирига келиб аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг ва иқтисодиётда ахборот секторининг роли кучайиб бориши билан жаҳон иқтисодий адабиётларида «Индустриал жамиятдан кейинги жамият» концепцияси кенг тарқала бошлади.

Америка социологи Дэниель Белл (1919) ҳозирги замон ижтимоий тизимини асосий ҳаракатлантирувчи ва қайта ташкил этувчи куч фан-техника инқилоби деб ҳисоблайди. Фан-техника инқилоби таъсирида иқтисодий жараёнларда, мулкчилик муносабатларида, ҳокимиятнинг тузилишида, маданият, маънавият ва мафкура соҳасида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилади. «Индустриал жамиятдан кейинги жамият» тизимининг ўзига хослиги шундан иборатки, у энг аввало хизмат кўрсатиш жамияти бўлиб, аҳолининг кўпчилиги шу соҳада иш билан банд бўлади. Бу жамият яна шу билан ифодаланадики, иқтисодиёт «уйғунлашган характер» касб этади, унинг ривожланиш суръати ошади, умумий фаровонлик, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг юксак даражаси таъминланди, ахборот ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ахборот умумхалқ бойлиги ҳисобланади, уни монополлаштириш жуда қийин. Шунинг учун хусусий мулк ва бозор механизмлари роли пасайиб бормоқда: «Ҳозир мулкчилик юридик ясама вазиятдан бўлак нарса эмас; корпорациялар хусусий мулкчилик институти белгиларини йўқотди ва фақат ташкил қилиш шакли ҳисобланади». Инсоннинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва нуфузи энди унинг мулкый бойлигидан кўра, унинг малакаси в билим даражасига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам жамиятда хизмат кўрсатиш ва ахборот соҳасининг юксак даражада ривожланиши бундай жамиятда сифат ўзгаришлар юз берганлигидан далолат беради.

3. Институтционал иқтисодиёт: умумий тавсифи ва ўзига хос назарий хусусиятлари.

“Иқтисодиёт” атамаси икки хил фарқли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, ижтимоий ҳаётнинг инсон яшаши ва ривожланиши учун керак бўладиган неъматлар яратиладиган ва тақсимланадиган соҳасидир. Бу маънода иқтисодиёт субъектив баҳолашдан ҳоли бўлган объектив реалликни ўзида акс эттиради, яъни амалий иқтисодиёт ҳисобланади. Амалий иқтисодиётни ташкил қилувчи элементи бўлиб эмпирик (грек. *empeiria* — тажриба). методлар орқали аниқланадиган ва тадқиқ қилинадиган иқтисодий ҳодисалар — доимий(ўзгармас) жараёнлар ҳисобланади. Иқтисодий ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик объектив қонунлар билан асосланади: физик, мантикий, математик ва ҳ.к. Шунинг учун бир жамиятга ва бир замонга тегишли бўлган иқтисодий ҳодисалар ўзаро мувофиқлаштирилган бўлади ва бир-бирини инкор қилмайди.

Иккинчидан, иқтисодиёт бу неъматларни яратиш, тақсимлаш ва ишлатишни ўрганадиган фандир. Бунда иқтисодиёт ўзида инсоннинг такрорланмас шахсиятига боғлиқ бўлган онг маҳсулини ифодалайди, шунинг учун бу ҳолда субъектив характерга эга. Бу назарий иқтисодиёт бўлиб, унинг ўрганиш объекти амалий иқтисодиёт ҳисобланади.

Назарий иқтисодиётда бир вақтининг ўзида бир-бирига қарама – қарши назариялар мавжуд бўлиши мумкин. Тарафдорлари кўп бўлган ва атрофига бошқа назарияларни мувофиқлаштирган назария иқтисодий мактабни ташкил қилади. Бир — бирига қарама-қарши бўлган мактабларга мисол қилиб классиклар ва социалистлар, кейсианчилар ва монетаристларни келтириш мумкин.

Умумий базавий қоидаларга эга бўлган мактаблар иқтисодий фанда йўналишларни шакллантиради. Икки асосий йўналишни ажратишадилар: либерал ва социал-институционал. Либерал йўналишга физиократлар, классик сиёсий иқтисод, мальтусийчилик, маржинализм, неоклассик мактаб,

монетаризм, иқтисодий империализмларни киритиш мумкин. Социал-институционал йўналишга утопик социализм, марксизм, тарихий мактаб ва институционализмни киритиш мумкин.

Иқтисодий мактабларнинг эмпирик асосини қандайдир иқтисодий ходиса ташкил қилади. Ушбу мактаб намоёндалари фикрига кўра айнан мана шу ходиса бутун иқтисодий тизим ишлашининг асосини аниқлайди. Шунинг учун бу ходисани аҳамиятли ҳисобалашади ва бу ходисани иқтисодий доминанта деб аташади. Агар ушбу иқтисодий ходиса амалий иқтисодиётда устунлик қилса, шу иқтисодий мактаб назарий иқтисодиётда доминантлик қилувчи ўринга эга бўлади, яъни устунлик қилувчи мактаб бўлади. Агар узок тарихий давр мобайнида бир-бири билан алмашинувчи ғоялар битта йўналишга тегишли бўлса, ушбу йўналиш устун йўналишга айланади. Иқтисодий фанда мана уч юз йил мобайнида либерал йўналиш устунлик қилиб келмоқда, шунинг учун ҳам уни мейнстрим(асосий оқим) деб таърифлайдилар. Барча либерал мактабларга хос иқтисодий доминанта бўлиб материал товарлар ишлаб чиқариши ёки индустриал ишлаб чиқариши аҳамияти ҳисобаланди. Шунинг учун либерал иқтисодий назариялар тизмини индустриал (лот. *industria* – тиришиш, ғайрат қилиш) иқтисодиёти назарияси сифатида характерлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, индустриал иқтисодиёт индустриал жамиятнинг иқтисодий назарияси ҳисобланади. Индустриал иқтисодиётни одатда анъанавий иқтисодиёт деб аташади.

Ҳар бир мактабнинг шундай вакиллари учрайдики, улар бошқа альтернатив иқтисодий назариялар мавжудлигини тан олишмайди ва бутунича иқтисодий фанни ўзнинг мактаби билан бир хил деб билади. Бу тенденция айниқса либерал йўналиши тарафдорларида кўпроқ намоён бўлмоқда. А.Маршал томонидан неоклассик назарияни ифодалаш учун киритилган иқтисод (*англ. economics* — иқтисодий назария) атамаси ҳозирги пайтда кўпинча иқтисодий фаннинг синоними сифатида ишлатилиши бунга мисол бўла олади. Бироқ инқтисодиёт индустриал иқтисодиёт билан ҳаққоний равишда айнан бир хил эмас.

Иқтисодий ривожланиш босқичини қайсидир доменанта орқали характерланадиган тарихий давр деб аташади. Ҳар бир босқичда эмпирик базис сифатида иқтисодий ҳодисаларда доминантлик қилувчи ўз назарияларини асос қилиб олган, устунлик қилувчи мактаб ривожланади. Иқтисодий мактаб номлари кўп ҳолларда уларга мувофиқ иқтисодий доменантани ўзида мужассамалаштиради.

Институционал иқтисодиёт – бу шундай назарияки, бунда эмпирик асос, ёки иқтисодий доменанта сифатида институт – тарихий шаклланган ижтимоий анъана чиқади. Институционализм асосчиси бўлиб ушбу мактабнинг асосий ғояларини ўзининг “Бекорчи синфлар назарияси” китобида ёритиб берган америкалик иқтисодчи ва социолог Т.Веблен ҳисобланади. Институционал иқтисодиёт XIX аср охирларида, ривожланган мамлакатларда иқтисодиётга маданий омиллар янада сезиларли таъсир кўрсата бошлаганда, индустриал иқтисодиёт постулатлари эса ижтимоий ҳаётга тобора камроқ даражада мувофиқ кела бошлаганда пайдо бўлди.

Институционал иқтисодиёт атамасини асосан икки хусусиятга эга бўлган замонавий иқтисодиёт йўналишлари йиғиндисига нисбатан қўллашади.

Бу хусусиятлар қуйидагилар:

1. Иқтисодий назария предмети соҳасини кенгайтириш
2. Тадқиқот методларини шакллантирувчи базавий фаразларни модификациялаш

Предмет соҳасини кенгайтириш қўшимча иккита бир-бири билан чамбарчас боғланган анализ жабҳаси билан боғлиқ:

А. Бозор механизми билан бевосита боғлиқ бўлмаган ижтимоий ҳаёт жиҳатлари ва инсон хулқ-атвори. Бунда неоклассик назария методларига асосланган сиёсатда, оилада, жиноят ва жазо, ҳуқуқ, ўзаро шартномавий муносабатларда, ташкилот жабҳаларида инсон хулқ – атворини ўрганишга уринишлар вужудга келди, бу ёндашув *иқтисодий империализм* номини олди.

Б. Неоклассик назария доирасида ўрганиш қабул қилинмаган институтлар.

Институтнинг энг умумий таърифи сифатида қуйидаги таърифни бериш мумкин: *институт – иқтисодий хулқ-атвори ўзаро мувофиқлик ҳамда самарали мотивация билан таъминловчи ихтиёрий механизм*. Институтлар мавжуд бўлишининг асосий моҳияти режалар (ўзаро мувофиқлик) бирлашуви ҳамда рағбат (мотивация) бирлашувида кўринади.

Ўзаро иқтисодий мувофиқлаштириш механизми нима ва у нима учун керак деган табиий савол туғилади. Ўзаро мувофиқлаштириш механизми бу нима, қандай ва ким учун ишлаб чиқариш деган иқтисодиётнинг фундаментал саволларига нисбатан қарор қабул қилишга кўмаклашиш, яъни иқтисодий хулқ-атвори йўналтиришдир. Ижтимоий меҳнат тақсимотига асосланган ҳар қандай иқтисодиётда бундай механизмга зарурат доим бўлади. Ҳар бир алоҳида олинган индивид фаолиятнинг қандайдир тор бир доирасига ихтисослашади, масалан чиланган ёки ўқитувчилик касбига, иқтисодий ҳаётнинг бошқа иштирокчиларисиз улар ўз эҳтиёжларини қондира олмайдилар. Бундай тизимда ҳар бир одам кейинчалик ўз меҳнати маҳсулини бошқа хўжалик субъектлари меҳанти маҳсулига айрибошлаш учун тор тўпламдаги меҳнат операцияларини бажаришга ихтисослашади. Шунга кўра ихтиёрий иқтисодий фаолиятнинг мақбуллиги(мақсадга мувофиқлиги) унинг натижаларини айрибошлаш эҳтимоллигига боғлиқ бўлади, яъни, улар (натижалар) бошқа одамларга керакми, агар керак бўлса, қай даражада. Охирги савол хўжалик юритувчи субъектлар қандайдир иқтисодий натижани бу фаолиятни мувофиқ қиладиган ўзлари тақдим этадиган қанчадир миқдордаги зарурий неъматларни айрибошлашга рози бўлишига боғлиқ. Микроиқтисодиётда ушбу фундаментал саволларга жавоб топиш билан боғлиқ қарор қабул қилишни амалга ошириш *ресурсларни жойлаштириш* деб аталади.

Бу атама ўзида шундай ғояни ифодалайдики, чекланмаган эҳтиёжларни қондириш учун зарур ресурслар чекланган ва иқтисодий фаолиятнинг асосий

мақсади бу чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда инсонларнинг мумкин бўлган максимал даражада эҳтиёжларни қондиришдадир.


Шунга кўра институтлар – иқтисодиётнинг фундаментал саволларига жавоб беради ёки ресурсларни жойлаштиришни аниқлайди.

Агарда ўзаро мувофиқлаштириш механизми зарурати ресурсларни жойлаштиришга нисбатан инсонлар тўғри танловини била олмаслиги билан боғлиқ бўлса, тўғри мотивация билан таъминлаш механизми эса одамлар шу тўғри йўлни танлашни истамаганда лозим бўлади. Тўғри танловнинг иқтисодий агентлар учун фойдали бўлишини таъминлаш ҳам институтларнинг функциясига киради.

Неоклассик назария доирасида фақатгина бозор институтларини ўрганиш қабул қилингандир. Аниқлик киритиш лозимки, қайси маънода бозор институт ҳисобланади, яъни ўзаро мувофиқлаштириш ва мотивация билан таъминлаш механизми. *Бозор ўзаро мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш тизими сифатида нисбий нархлар тизимини ифодалайди.* Нисбий нархлар тизими ўзида иқтисодиётнинг фундаментал саволларига жавоб бериш учун ҳамда ушбу жавобларни амалга оширишни рағбат билан таъминлаш учун лозим бўлган турли хил неъматлар орасидаги айни вақтда шаклланган айрибошлаш нисбати тўғрисидаги ахборотни мужассамлаштиради. Айнан нисбий нархлар, яъни нархларнинг абсолют даражаси эмас, айрибошлаш нисбати ўзаро мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш функциясини бажаради. Чунки фақат нисбий нархлар турли хил ресурслар ва неъматларнинг солиштирма нархларини ифодалайди ва шу билан нимани иқтисод қилиш кераклигини ва нимага талаб энг юқорилигини кўрсатади. Неоклассиклар нуқай назарига кўра бозор институти муҳим аҳамиятга эга бўлган ягона институтдир ва бошқа институтлар таъсирини иқтисодий таҳлил жараёнида мавҳумлаштириш мумкин. Институционал иқтисодиёт учун эса аксинча, бошқа институтларнинг ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни назарга олмаслик иқтисодий хулқ-атвор ва хўжаликнинг фаолият олиб боришини тўғри

тушунишга тўсқинлик қилади деган қараш характерлидир. Шунга кўра неоклассик ва институционал назариялар орасидаги фарқ ўрганилаётган институтлар доирасини қамровида кўринади: неоклассик назария ягона институт – бозор институтини ўрганиш билан чегараланса, институционал назария бозор билан бир қаторда бошқа институтларни ҳам ўрганади.

(1-Расм)



1-Расм. Институтларни ўрганиш қамровида неоклассик ва институционал назариянинг муносабати.

Институционал иқтисодиётнинг предмети соҳасини характерловчи сефералар икки муносабатга кўра ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Биринчидан, индивидларнинг бозор механизмидан ташқаридаги рацноанл хулқ-атворини ўрганиш ўзаро мувофиқлаштириш ва рағбатлантиришнинг бошқа механизмларини ўрганиш кераклилигини назарда тутди. Иккинчидан, бозордан ташқарида бўлган институлар фаолиятини ўрганиш соф бозор фаолияти доирасидан чиқишни тақозо этади, масалан фирма ички фаолияти таҳлил қилинаётган пайтда. Шунинг учун ҳам иқтисодий империализм намоёндаларини (Г. Беккер, Р. Познер, Ж. Бьюкенен ва бош.) институционал парадигмага тегишли деб ҳисоблашади, сўнгиларини эса (Р. Коуз, Д. Норт, О. Улиямсон ва бош.) иқтисодий назария предмети соҳасини кенгайтиришга ҳисса қўшганлар сифатида билишади, масалан шартномалар, ташкилотлар ва ҳ.к. таҳлили ҳисобига.

Юқорида қайд этилганидек институционал иқтисодиёт доирасида предмет соҳасининг кенгайиши неоклассик назария методологиясини модификациялашни ҳам тақозо этади. Шунга кўра институционал иқтисодиёт методологияси хусусиятларини тушуниш учун аввалам бор неоклассик назария методологияси ҳақида тушунчага эга бўлиш керак бўлади.

Неоклассик назариянинг асосий қарашлари.

Машҳур файласуф ва фан тарихчиси И. Лакатош концепциясига кўра ҳар қандай илмий мактаб қарашлари ўзгармас бўлган *қаттиқ ядродан* ва ўзгарувчан *ҳимоявий камардан* иборат бўлади. Қаттиқ ядродаги ғоялар илмий мактабнинг асосий моҳиятини шакллантиради, бу фикр-ғояларни рад этиш бошқа мактабга ўтишни билдиради. Ҳимоявий камар илмий баҳс ривож ва иқтисодий тарих жараёнига қараб иқтисодий таҳлилда ишлатиладиган ғоялар ва фаразлардан ташкил топган бўлади. Ушбу классификацияга мувофиқ неоклассик назария қарашларини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

Неоклассик назариянинг қатъий ядроси фаразлари.

1. *Методологик индивидуализм принципи.* Бу принцип бутун ва қисм нисбатига хос принципдир, яъни, бутуннинг барча хусусиятлари ва ҳуқ-атвор қонуниятлари унинг қисмларидан келиб чиқади ва у алоҳид ҳеч қандай хусусиятга эга эмас – бутун қисмдан келиб чиқади. Агар буни жамият мисолида кўрадиган бўлсак, жамиятнинг барча характеристикалари, масалан институтлар индивидларнинг ҳуқ-атворларидан келтириб чиқарилиши мумкин.

2. *Оптималлаштириш* иқтисодий ҳуқ-атворни тавсифлашнинг асосий усули, яъни иқтисодий ҳуқ-автор доимо фойдани максималлаштиришга ёки харажатларни минималлаштиришга бориб тақалади.

3. *Афзал кўришнинг транзитивлиги ва барқарорлиги.* Афзал кўришнинг транзитивлиги шуни билдирадики, агар учта альтернатива А, В ва С берилган бўлиб, $A > B$ ва $B > C$ бўлса, унда $A > C$ бўлади. Афзал кўришнинг транзитивлиги усиз оптимизация бўлмайдиган энг яхши альтернатива

мавжудлигининг зарурий шарти ҳисобланади. Афзал кўришнинг барқарорлиги индивидда уларнинг ҳаракатларини аввалдан айтишнинг иложини йўққа чиқарувчи афзал кўришининг ўзгаришга мойиллиги йўқлигини билдиради. Моҳиятан афзал кўришнинг транзитивлиги ва барқарорлиги оптимизациянинг мазмунини тўлароқ очиқ берувчи фараз ҳисобланади.

4. *Мувозанат* иқтисодий динамикани тавсифловчи асосий усул сифатида. Бу принципга кўра иқтисодий тизимнинг амал қилиши ёки мувозанат шароитидаги қўзғалмас ҳолатга, масалан талаб ва таклиф орасидаги мувозанати, ёхуд мувозанат томонга бўлган ҳаракатга олиб келинади. Бу принцип ишлатилишининг оддий мисоли сифатида алоҳида товар бозоридаги мувозанат моделини кўрсатиш мумкин. Бунда бошқа мураккаб моделларда иштирок этувчи иқтисодий динамиканинг иккита асосий тури мавжуддир. Шу билан бирга яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, мувозант принципи моҳиятан ўзида аввалги икки фаразни ҳам мужассамлаштирган, чунки индивиднинг хулқ-атворини мувозанат ҳолат (оптималлаштириш) ёки мувозанат ҳолат томон (оптималлаштиришга) ҳаракат сифатида кўриш мумкин, учинчи фараз эса аввал айтганимиздек иккинчисининг тўлдирувчисидир холос. Алоҳида товар бозоридаги мувозанат иқтисодий динамикани тавсифлашда мувозанат ёндашувини тасвирлаб, тизим ёки мувозанат ҳолатда турганини ёки мувозанат ҳолатга интилаётганини аниқлайди.

Неоклассик назариянинг ҳимоявий камари фаразлари

1. *Тўла рационаллик принципи*. Аввало рационаллика таъриф берадиган бўлсак, қўйилган мақсадлар ва ишлатиладиган маблағлар орасидаги мувофиқлик раццоанллик сифатида тушунилиши мумкин. Агар инсон фаолияти у олдида қўйган мақсадларга мувофиқ кечадиган бўлса, бундай хулқ-атвор иқтисодий назария доирасидан чиқиб кетади. Шунга кўра ҳар бир мактабда ўзига хос рационаллик фарази мавжуд бўлади, улар орасидаги асосий фарқ эса чегараланган рационаллик деган тушунчаси билан боғлиқ.

Бу принципда бундай чегаралашлар кўзда тутилмайди ва ахборот қабул қилиш ва уни қайта ишлаш учун харажатлар йўқ эканлиги фараз қилинади. Бу шуни билдирадики, ушбу мақсадлар ва чегаралар шароитида мавжуд бўлган ресурсларни жойлаштириш усули уни топиш учун ҳеч бир харажат сарфланмасдан албатта индивит томонидан ишлатилади.

2. Оппортунизмнинг йўқлиги ҳақидаги қараш. Бу фараз биринчисидан келиб чиқади. Оппортунизм келиб чиқишига зарурий шароит бўлиб ўзида ахборот тўла-тўқис эмаслигини ифодаловчи ахборот асимметрияси ҳисобланганидан биринчи фараз заруратсиз оппортунизм йўқлигига олиб келади.

3. Иқтисодий тизимнинг ягона аҳамиятли институти сифатида бозор механизмини тушуниш ҳақидаги қараш. Бу фараз илгари иқтисодий назария предмети соҳасини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган институционал иқтисодиётнинг характеристикаси сифатида кўриб чиқилганди.

4. Бозор механизмнинг бепул амал қилиши ҳақидаги қараш. Бу фараз н्यूтон механикасига ўхшашдир, яъни, н्यूтон механикаси механик тизимларда ишқаланишнинг бўлмаслигини назарда тутди. Бунда тизим элементлари сифатида бозордаги айрибошлаш чиқиб, айрибошлаш ҳеч қандай ишқаланишсиз, яъни, трансакцион харажатларсиз амалга оширилади.

5. Мулк ҳуқуқларининг тўла-тўқис таснифланиши тўғрисидаги қараш.

Бу фаразга кўра айрибошлашнинг зарурий шarti ҳисобланмиш ноёб ресурсларга бўлган барча мулк ҳуқуқлари доим аниқ белгиланган ва ҳимояланган бўлади. Бозор айрибошлашида мулк ҳуқуқларининг кўчиши кузатилгани сабабли айрибошлаш юз бериши учун мулк ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлиши лозим. Ҳеч кимга тегишли бўлмаган нарасани айрибошлаб бўлмайди.

Бозор механизми ягона аҳамиятли институт ҳисобланиши мумкин, қачонки, унинг ишлатилиши қўшимча харажатларни келтириб чиқармаса ва агар мулк ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлса.

II БОБ. СИЁСІЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

II-1. Давлатнинг институт сифатидаги иқтисодий назариялари

Ҳеч бир жамият агар унда ресурсларга бўлган эркин фойдаланиш имкониятни чегаралаб қўймаса, яшовчан жамият ҳисобланмайди. Ресурслар чегараланган дунёда фойдаланишнинг эркин имкониятлари жамият бойлигининг камайиб кетишига олиб келади. Фойдаланишнинг эркин имкониятларини чегаралайдиган ижтимоий механизмларни тўртта асосий категорияга бўлиш мумкин:

1. Ресурсдан куч ёрдамида ёки куч ишлатиш таҳдиди ёрдамида фойдаланишга имкон бермаслик;
2. Одамлар рағбатига таъсир қилувчи ва чеклашга кетадиган харажатларни қисқартирувчи қадриятлар тизими ёки ғоя.
3. Урф-одатлар ва оддий қоидалар, масалан, ҳали давлат шаклланмаган жамиятда амал қилган қоидалар.
4. Ва ниҳоят давлат томонидан ўрнатилган қонун.

Давлат – фуқароларнинг эгалик ҳуқуқи таснифи ва ҳимояси доирасидаги ўз фаолияти назоратининг бир қисмини ўтказиш, ахборот алмашинув каналларини яратиш, меъёрий стандартлар ишлаб чиқиш, товар ва хизматлар айрибошланишининг жисмоний каналларини яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолити ва ижтимоий неъматлар ишлаб чиқаришга асосланган ҳокимят муносабатларининг ўзига хос шаклидир. Давлат бу соҳаларда мажбурлаш ва зўрликнинг легитим ҳуқуқига эга бўлади, яъни ижтимоий шартнома асосида.

Эркин савдо ва “кўринмас қўл” принципларига асосланган классик назарияда давлат иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида қаралмайди. Монополия ривожланиши билан иқтисодчилар анъанавий назария доирасида ўз таърифини топа олмаган иқтисодий ҳодисаларни ўрганишга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Хусусан, монополия ва олигополияларнинг хулқ-атвори, монопол рақобат, дискриминацияларни тадқиқ қилишнинг

иқтисодий методлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги даврда давлатнинг бир нечта назариялари яратилгандир.

1. *Давлатнинг неоклассик назарияси монополия назариясининг мантиқий давоми ҳисобланади.* Бу назарияда давлат ўз даромадини максималлаштирадиган монополия сифатида кўриб чиқилади, унинг монополлиги эса ҳокимятга бўлган ягона ҳуқуқида деб кўрсатилади. Давлат буйруқ бериш ва унга итоат этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга, шу орқали фуқароларнинг мажбурий бадалларини ошириш имконига эга бўлади. У худди дискриминацияловчи монополия сингари ҳаракат қилади, сайловчиларни гуруҳларга ажратиб, уларнинг ҳар бири учун эгалик ҳуқуқини шундай белгилайдики, ғазна тушумлари максималлашади. Хусусан, прогрессив солиққа тортиш ушбу назария доирасида “адолатли тақсимот” мақсади билан эмас, балки монополист даромадларини максималлаштириш мақсади билан тушунтирилади.

Неоклассик назарияда ҳар қандай иқтисодий субъект сингари давлат ҳам қандайдир *чекловлар* шароитида ҳаракат қилади. Бу чекловлар асосан ушбу мамлакат фуқаролари дуч келадиган қуйидаги харажатларга тегишли бўлган қийинчиликлар билан боғлиқдир:

А) *Эмиграция харажатлари.* Қанчалик бу харажатлар кам бўлса, давлатнинг “қаттик” фаолияти бўлганда бу мамлакатдан эмигрантларнинг бўлиши мумкин бўлган оқими шунчалик кўп бўлади. Фуқаролар эмиграция харажатларнинг асосий қисмини *фуқароларнинг ўзига хос инвестицияларни* йўқотиши ташкил этади. Буларга она тилни, шу мамлакатдаги расмий ва норасмий хулқ-атвор ва ахлоқ қоидаларини, динни, маданиятни ва ҳоказоларни ўрганиш учун кетган уларнинг болалик йиллари киради. Бундан ташқари ўзига хос инвестицияларга индивидлар ўз оилаларига, дўстлик ва иш билан боғлиқ муносабатларга сарфлайдиган қайтмас харажатлар ҳам киради. Кўп ҳолларда эмиграция ўзига хос эгалик ҳуқуқи — миллатга доирликнинг йўқотилиши билан боғлиқ бўлади. Ҳар бир фуқаронинг давлат

томонидан ҳимояланиш ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этганидан, фуқароликни йўқотиш эмиграция харажатларининг жиддий ошишига олиб келади.

Б) *ҳокимни алмаштириши харажатлари*. Ҳар қандай ҳокимнинг ҳам фуқароларга янада яхшироқ шароит беришни ваъда қилувчи рақиблари доим мавжуд бўлади. Рақибни қанчалик кўп фуқаро кўлаб-қувватласа, ҳоким эркинлиги даражаси шунчалик паст бўлади ва монопол даромаднинг шунчалик кўп қисми сайловчиларда қолиб кетади.

2. *Ижтимоий неъматлар назарияси*. Давлат ижтимоий неъматлар ишлаб чиқарувчиси сифатида қаралади, бу неъматлардан фойдаланишда ҳеч қандай чегаралашлар ва уларни истеъмолида ҳеч қандай рақобат мавжуд бўлмайди. Ижтимоий неъматнинг классик мисоли сифатида мамлакатни ташқи тажовузлардан ҳимоялашни кўрсатиш мумкин. Давлат томонидан ишлаб чиқарилаётган барча ижтимоий неъматларни эгалик ҳуқуқи ҳамда эркинлик таснифланиши ва ҳимоясига олиб келиш мумкин. Хусусан, жамиятга “даромадларни тенг тақсимлаш”дек ижтимоий неъматни етказиш билан жамиятнинг кам таъминланган аъзоларини жинойт содир этишга бўлган мойиллигини камайтиради ва охир оқибат мамлакат фуқроларнинг шахсий хавсизлик борасидаги ҳуқуқини амалга оширишга ёрдам беради. Давлат эгалик ҳуқуқи ва эркинликни таснифлаш ва ҳимоялашни расмий қонунлар тизимини яратиш орқали амалга оширади. Хуллас, давлатнинг асосий “маҳсулот” бўлиб ижтимоий институтларни яратиш ва уларни қўллаш ҳисобланади.

3. *Давлатнинг шартномавий назарияси*. Конституциявий демократик давлат сайловчилар (принципал) ва уларнинг вакиллари (агент) ўртасидаги муносабатга оид принципал-агент кўринишидаги шартномалар тармоғи сифатида кўриб чиқилади. Мақсади – куч ишлатишнинг тегишли ташкилоти орқали ижтимоий бойликни оптималлаштиришдир, яъни зарурий тақсимот, идора қилиш ва сиёсий эгалик ҳуқуқи трансакцияси орқали. Олий ҳокимиятнинг илк эгалари сифатида сайлов жараёни орқали сайловчилар ўзларининг айрим фуқароларига уларнинг вакили сифатида давлат

суверенитетини бошқариш ваколатини беришади. Бироқ натижада айнан агентлар (вакиллар) давлат ҳокимиятидан, унинг полиция кучига таяниб, фойдаланишни бошлайди, ўзининг принципалларига (сайловчиларга) нима қилиш кераклигини буюриши мумкин. Бундай ҳол принципал-агентнинг хусусий муносабатларидан тубдан фарқ қилади.

Конституция миллат учун ўзига хос бўлган эгалик ҳуқуқини алоҳида сайловчилар ўртасида тақсимлаб беради ва бу эгалик ҳуқуқлари қандай қилиб ишлатилиши ёки қандай қилиб узатлишини кўрсатади. Ҳокимиятнинг бўлиниши (конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) конун чиқарувчи органларнинг даврий демократик сайловли билан биргаликда конун чиқарувчи орган устидан аниқ даражадаги назорат билан таъминлайди. Бироқ агентлар ва принципаллар орасидаги ахборот ассимметрик бўлибгина қолмай, балки келажак ҳодисаларга нисбатан тўлиқ ҳам эмас. Шунга кўра сиёсатчилар ва давлат хизматчилари фаолияти назорати худди хусусий фирма менежерлари фаолияти назоратига ўхшайди. Хулоса қилиб айтганда, сиёсий тизимда ўз бажариш механизмлари амал қилиши керак. Ишончли мажбуриятлар, индивидлар ва институтлар эътибори иқтисодиётда қанчалик муҳим ҳисобланса, сиёсий турмушда ҳам шунчалик муҳим рол ўйнайди.

4. *Сиёсий бозорлар назарияси.* Давлат битта бўлинмас объект сифатида эмас, балки жамиятда тақсимланган ва бир-бирига нисбатан мустақилликка эга бўлган ҳокимият марказлари ёки давлат мансаблари тизими сифатида кўрилади. Демократия шароитида сиёсий жараёнлар иқтисодий рақобат аналогиясидек давлат мансабларини эгаллаш учун кечадиган рақобатли кураш сифатида қаралади.

Иқтисодий ва сиёсий рақобатлар орасидаги туб фарқ шундаки, иқтисодий рақобат иқтисодий айрибошлаш воситасида иқтисодий устунликка бўлган кураш ҳисобланади ва бу кураш бузилмас эгалик ҳуқуқи асосида олиб борилади, сиёсий рақобат эса ҳокимият учун кураш бўлиб, юқоридаги ҳуқуқни бир томонлама ўзгартириш ваколати учун олиб

борилади. Натижада демократик жамиятда институционал чегаралар кўпинча ўзгариши мумкин.

Умуман олганда иқтисодий ва сиёсий бозорлар тизими бир қатор умумий жиҳатларга эга ҳисобаланди. Икки тизимда ҳам икки томонлама ва кўп томонлама музокара воситасидаги ўзаро мувофиқлаштириш эҳтиёжи мавжуддир. Агар гап икки турдаги трансакция тўғрисида кетар экан унда, кидирув, текширув, музокаралар, ижро, назорат ва ижрони таъминлаш зарурийдир. Демократик давлатда сиёсий айрибошлаш давлат мансаблар учун самарали рақобатни ташкил қилиш мақсадида индивидлар ўртасидаги узок муддатли шартномаларнинг қандайдир тизими доирасида амалга ошади. Уюшган зўрликка бўлган монополия мукамалликдан йироқдир. Давлатнинг алоҳида фуқаролари улар воситасида носиёсий қарорлар қабул қилишга таъсир қилиши мумкин бўлган жуда кўп йўللار бор, жумладан босим гуруҳларини шакллантириш, намойишлар ташкил қилиш ва ҳ.к. Ҳеч қандай расман сиёсий ваколатга эга бўлмаган фуқароларга олий бошқарувчиларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсатиш имконини берувчи индивидлар ва ташкилотлар ўртасидаги шартномаларнинг тизими жамиятда шаклланади. Одатда бу шартномалар тизимини *фуқролик жамияти* деб аташади. Фуқаролик жамиятининг сиёсий бозорларга таъсири сабабли сайловчилар овозига асосланган сиёсий рақобат иқтисодий рақобатга қараганда кам самаралидир.

Давлатнинг моҳияти фуқаролар ва давлат аппарати ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар билан аниқланади. Одатда фуқаролар ва давлат ўртасидаги ҳуқуқлар ижтимоий шартнома ролини бажарувчи конституция билан белгиланган бўлади. Табиий савол туғилади, нимани эвазига фуқролар ихтиёрий равишда ўзининг “табиий” ҳуқуқларининг бир қисмидан воз кечиб, уни давлатга беради. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларнинг кўринишларида бўлганидек фуқароларни давлат улардан кўра ўзаро ҳамкорлик борасидаги бир қанча функцияларни яхшироқ бажара олиши ҳақидаги ишонч ҳаракатга келтиради. Бу функциялар тўплами бозор

“инқирозлари” ёрдамида аниқланган, яъни, классик ва неоклассик шартномалар асосида жавоб бериш мумкин бўлмаган масалалар ёрдамида. Бундай масалаларга қуйидагилар киради:

- *эғалик ҳуқуқи таснифланиши ва ҳимояси.* Трансакцион харажатларнинг ноль бўлмаган шароитда эғалик ҳуқуқи тақсимооти ресурсландан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади;

- *ахборот алмашиши каналларини яратиши.* Мувозанат нарҳи қатнашувчиларга минимал харажатлар ва минимал хатолар билан ахборот алмашиш имконини берувчи бозорнинг ривожланган информацион инфраструктураси асосида шаклланади;

- *меъёрий стандартлар ишлаб чиқиши.* Давлатнинг бу йўналишдаги фаолияти айрибошланадиган товар ва хизматлар сифатини ўлчашга кетадиган харажатларни камайтириш имконини беради. Кенг маънода универсал меъёрлар, ўлчовлар ишлаб чиқишга давлат томонидан пул айланишини ташкил этишини ҳам киритиш мумкин, чунки айнан пул ўз функцияси қаторида айрибошлашнинг энг универсал ўлчови ҳисобланади.

- *товар ва хизматларнинг жисмоний айрибошланиши канал ва механизмларини яратиши.* Бозор инфратузилмаси фақатгина ахборот алмашиш каналидангина иборат бўлмай, балки ўзида товар ва хизматларнинг жисмоний ҳаракати каналларидан ҳам иборатдир: транспорт тизими, ташкилий савдо майдончалари ва ҳ.к.;

- *ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва можароли вазиятларда “учинчи” томон ролини бажариши.* Шартномаларни амалга ошириш жараёнида кутилмаган ҳолатларнинг вужудга келиши шартнома иштирокчиларининг оппортунистик ҳаракатларидан кафолатни таъминлаш учун “учинчи” томоннинг (суд) аралашувини тақозо қилади;

- *ижтимоий неъматларни яратиши.* Соф ижтимоий неъматлар ишлаб чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш давлатдан мажбур қилишни қўллашни тақозо қилади. Сўз биринчи навбатда мудофаа каби ижтимоий

несматлар ҳақида бормокда, кейинги даражаларда эса соғлиқни сақлаш ва таълим.

II - 2. Давлатнинг иқтисодиётдаги характерини аниқловчи моделлар

Макгир-Олсон модели: автократия ҳолатида

Автократик давлат мустақил равишда қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларни ўрната оладиган яккахокимлик ҳолати кўриб чиқилади:

А) ишлаб чиқарилаётган потенциал(максимал мумкин бўлган) хусусий неъматлар ҳажига таъсир кўрсатувчи жамиятга тақдим этилаётган ижтимоий неъматлар ҳажми G . $Y(G)$ функцияси ўсувчи функция ҳисобланиб, унинг ҳосиласи камаювчидир. Автократик давлат нуқтаи назаридан ижтимоий неъматлар харажатлар ҳисобланиб, улар хусусий тадбиркорлик учун шароит яратишга хизмат қилади;

Б) хусусий неъматлар ҳажмидаги давлат томонидан ўзлаштириладиган қисмни ифодаловчи солиқ ставкаси t . Яна тадбиркорлик фаоллиги функцияси $r(t)$ ҳам берилган бўлиб, у берилган солиқ ставкаси даражасида қанча миқдорда хусусий неъматларнинг потенциал миқдори қанча бўлишини кўрсатади. Қанчалик солиқ ставкаси юқори бўлса, тадбиркорлик фаоллиги шунчалик суст бўлади, яъни кўрилаётган функция камаювчи ҳисобаланди. Солиқ ставкасининг ноль бўлган қийматида тадбиркорлик фаоллиги максимал бўлиб, у бирга тенг бўлади. Агар солиқ ставкаси бирга тенг бўлса, тадбиркорлик фаоллиги минимал миқдор нольга тенг бўлади. Хусусий неъматлар ишлаб чиқишнинг асл ҳажми rY га, давлат томонидан ўзлаштирилаётган хусусий неъматлар эса trY га тенгдир.

Автократик давлатнинг мақсади ўзлаштирилаётган соф хусусий неъматлар ҳажмини максималлаштиришдан иборатдир. Бу кўрсаткич қуйидагига тенг

$$P = trY - G.$$

Бу ифодадан икки мустақил ўзгарувчиси бўйича ҳосила олсак, ижтимоий неъматлар ҳажми ва солиқ ставкасининг мувозанат қийматини топамиз.

Мисол. Тасаввур қилайлик ишлаб чиқариладиган хусусий неъматларнинг потенциал ҳажми қуйидаги формула орқали топилса: $40xG^{0,5}$,

бу ерда G – автократик давлат томонидан тақдим этилаётган ижтимоий неъматлар ҳажми, тадбиркорлик фаоллиги функцияси эса $1 - t$ га тенг бўлиб, t — солиқ ставкаси. Юқорида келтирган формуламизга кўра, автократик давлатнинг мақсад функцияси қуйидаги кўринишни эгаллайди:

$$P = t(1-t) \times 40G^{0,5} - G.$$

Бу ифодани t бўйича дифференциаллаб солиқ ставкасининг мувозанат миқдорини топамиз, у 0,5 га тенг. Функцияни G бўйича дифференциаллаб ҳосил бўлган ифодага солиқ ставкасининг мувозанат қийматини қўйиб, давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий неъматларнинг мувозанат миқдорини ҳосил қиламиз, у 25 га тенг. Ишлаб чиқариладиган хусусий неъматларнинг потенциал ҳажми $40 \times 25^{0,5} = 200$ га, тадбиркорлик фаоллиги даражаси $1 - 0,5 = 0,5$ га, аслида ишлаб чиқариладиган хусусий неъматлар миқдори $0,5 \times 200 = 100$ га, давлат томонидан ўзлаштириладиган хусусий неъматлар ҳажми $0,5 \times 100 = 50$ га тенгдир. Автократик давлатнинг соф ютуғи $50 - 25 = 25$ га тенгдир.

Юқорида таърифланган моделни одатда “ўтироқ безори” номи билан аташади, чунки автократик давлат қисқа муддатли эмас, балки узоқ муддатли мақсадларни кўзлайди. Фараз қилайлик, ўзининг пайдо бўлиш биланок давлат ишлаб чиқарилган барча хусусий неъматларни ўзлаштиришни режалаштириб (кўчиб брувчи безори), ўз олдида қисқа муддатли мақсадлар қўяди. Унда давлат ижтимоий неъматлар тақдим этмасдан, режалаштирилган экспроприация (мазбуран тортиб олиш)ни олдиндан эълон қилади. У ҳолда G нолга тенг бўлади, t давлат учун бирга, тадбиркорлар учун нольга тенг бўлади. r бирга тенг бўлади.

$P = trY - G$. формулага мувофиқ “кўчиб юрувчи безори”нинг ютуғи $Y(0)$ га тенг, яъни жамиятга умуман ижтимоий неъматлар тақдим этилмаётган вақтдаги ишлаб чиқарилаётган хусусий неъматлар ҳажмига. Кейинги даврда тадбиркорлар давлатнинг асл мақсадини ва солиқ ставкасининг асл даражасини билишади. Шунга кўра уларнинг тадбиркорлик фаоллиги нольга,

ишлаб чиқариладиган хусусий неъматлар ҳажми ҳам нольга тенг бўлади.
 “Кўчиб юрувчи безори”нинг соф ютуғи ҳам нольга тенг бўлади.

Макгир-Олсон модели: тақсимланган демократия ҳолати.

Ҳокимят демократик жарараёнлар воситасида одамларнинг алоҳида гуруҳига (бу гуруҳ жамиятнинг аксарият қисмини ташкил этиши шарт эмас) тегадиган тақсимланган демократия ҳолати кўрилади. Бу ҳоким гуруҳ даромадларининг икки манбаси мавжуд. Биринчиси – гуруҳ аъзоларининг хусусий савдо фаолияти, иккинчиси – ҳоким гуруҳга кирмаган жамият аъзолари даромадларидан солиқ воситасида даромадлар қайта тақсимооти.

Бир томондан ҳоким гуруҳ тадбиркорлик фаолияти шароитларини яхшилашдан, яъни солиқ ставкасини камайтиришдан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан бу гуруҳ аъзолари ўзларининг бир қисм даромадларини солиқ воситасидаги қайта тақсимлаш натижасида олишади, шунинг учун ҳам солиқ ставкасини оширишдан манфаатдордирлар. Худди шу каби ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш бир томондан харажат ҳисобланса, иккинчи томондан гуруҳ аъзоларининг тадбиркорлик фаолияти учун мақбул шароитлар яратиш воситаси ҳисобланади. Фараз қилинадики, ҳоким гуруҳ жамиятга тақдим этилаётган ижтимоий неъматлар ҳажми G ни ва солиқ ставкаси t ни ўрнатиши мумкин. Хусусий неъматлар ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажми Y ва тадбиркорлик фаоллиги r аввалги ҳолда келтирилган хусусиятларга эга. Ишлаб чиқарилган хусусий неъматлар ҳажмида қатъий белгиланган f га тенг бўлган миқдорда ҳоким гуруҳ хусусий неъматларни ишлаб чиқарадиган ва ўзлаштиради. Бу катталик ҳоким гуруҳнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки деб аталади.

Ҳоким гуруҳнинг даромаддаги иштирок этиш улуши ёки жами хусусий неъматларнинг шу гуруҳ томонидан ўзлаштириладиган қисми қуйидагига тенг:

$$S = f + (l - f).$$

Ҳоким гуруҳ томонидан ўзлаштирилган хусусий неъматлар ҳажми srY га тенгдир. Тақсимланган демократиянинг мақсади ўзлаштирилган хусусий

неъматлар соф ҳажмини максималлаштиришдир. Бу кўрсаткич куйидагига тенг:

$$P = SrY - G.$$

Ушбу тенгламани икки мустақил ўзраувчи бўйича дифференциалласак, ижтимоий неъматлар ва солиқ ставкасининг мувозанат қийматини топамиз.

Мисол. Фараз қилайлик, хусусий неъматларни ҳажми $40 \times G^{0,5}$ формула билан ҳисоблансин, бу ерда G — ижтимоий неъматлар ҳажми. Тадибркорлик фаоллиги $1 - t$, формула билан берилган, бу реда t — солиқ ставкаси. Ҳоким гуруҳнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки 0,2 га тенг.

У ҳолда юқоридаги формулаларга биноан, тақсимланган демократиянинг мақсадли функцияси куйидаги кўринишда бўлади:

$$P = (0,2 + 0,80t) \times (1 - t) \times 40G^{0,5} - G.$$

Ушбу тенгламани t бўйича дифференциаллаб, мувозанат солиқ ставкасига эга бўламиз, у 0,375 га тенг. G бўйича дифференциаллаб унга олинган солиқ ставкасини қўйиб, давлат томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ижтимоий неъматларнинг мувозанат ҳажмини топамиз, у 39 га тенг. Хусусий неъматлар ишлаб чиқишнинг потенциал ҳажми 250 ни, тадбиркорлик фаоллиги даражаси 0,625 ни ташкил этади. Асилида ишлаб чиқарилган хусусий неъматлар миқдори 156,25 га тенг, яъни, давлат томонидан ишлаб чиқарилган ва ўзлаштирилган неъматлар ҳажми 31,25(20%) ва жамиятнинг бошқа азолари ишлаб чиқарган неъматлар ҳажми 125 (80%) нинг йиғиндисидан иборат. Солиқ тушумлари эса $0,375 \times 125 = 46,87$ га тенг. Шунга кўра ҳоким гуруҳнинг даромади 78,12 ни ташкил қилади, унинг соф даромади эса 39,12 га тенг.

Икки ҳолатни кўриб чиқайлик:

а) агар ҳоким гуруҳнинг ишлаб чиқаришдаги улуши нольга тенг бўлса, $P = SrY - G$. формула $P = trY - G$. формула кўринишига ўтади ва биз автократия ҳолатига эга бўламиз.

б) агарда ҳоким гуруҳнинг ишлаб чиқаришдаги улуши бирга тенг бўлса, биз консенсус демократия ҳолатига эга бўламиз, яъни жамиятнинг барча аъзолари ишлаб чиқаришда иштирок этади. $P = SrY-G$. формула $P = rY-G$.

кўринишига ўтади.

Ушбу функция ўзининг максимумига икки вазиятдагина эришади.

Биринчидан, солиқ ставкаси нольга тенг бўлганда тадбиркорлик фаоллиги даражаси максимал даражада бўлади ва G нинг ихтиёрий қийматида формуланинг камаювчи ўнг томони максимал даражада бўлади. Иккинчидан, Y функциянинг ҳосиласи бирга тенг, яъни ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш ҳажми бир бирликка ортса хусусий неъматларни ишлаб чиқариш ҳам бир бирликка ортади.

Мисол. Фараз қилайлик, аввалги мисолда ҳоким гуруҳнинг ишлаб чиқаришдаги улуши бирга тенг. Унда солиқ ставкасининг мувозанат миқдори нольга тенг бўлади, ижтимоий неъматларнинг мувозанат ҳажми эса қуйидаги формула бўйича аниқланади $20G^{-0.5} = 1$ бундан $G = 400$.

Хусусий неъматлар ишлаб чиқариш ҳажми 800, жамият аҳъзоларининг соф даромади эса 400 ни ташкил қилади.

Финдли – Уилсон модели

Давлат ижтимоий ишлаб чиқариш ялпи ҳажмини максималлаширишга интилувчи ва бу мақсадни амалга оширишда қуйидаги дастаклардан фойдаланадиган ҳолат кўриб чиқилади:

1. *бандлар таркибини ўзгартириш.* Бир хил бўлган меҳнатнинг аниқ миқдори иқтисодиётнинг икки секторида (хусусий ва давлат) сарфаниши фараз қилинади. Бунда давлат бюджет сектори ходимлари сонини ихтиёрий миқдорда белгилаш ҳуқуқига эга (демакки, бозор секторида ҳам).

2. *солиқ ставкасини ўзгартириш.* Иқтисодиётда фақат бир турдаги солиқ, даромад солиғи солиниши назарда тутилади. Бу ҳолда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини миллий даромад катталиги билан тенг ҳисобласа бўлади. Иқтисодиётнинг икки сектори ходимларидан ягона ставка бўйича солиқ олинади.

Ушбу моделнинг асосий жиҳатларини кўриб чиқайлик:

1. *Миллий даромад* икки ўзгарувчи бюджет сектори ходимлари G ва хусусий сектор ходимлари H сонлари функцияси ҳисобланади. Хусусий сектор ходимларига тадбиркорлар ҳам киради. Ходимларнинг умумий сони L га тенг. Унда ижтимоий ишлаб чиқариш формуласи қуйидаги кўринишда ёзилиши мумкин:

$$Y = (G; L - G).$$

2. Бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақлари берилган ва у w га тенг. Давлат бюджетининг ушбу ходимлар иш ҳақини тўлаш учун сарфлайдиган харажати wG га, улардан олиндиган даромад солиғи миқдори эса twG га тенг, бу ерда t — даромад солиғи ставкаси.

3. Давлат харажатлари бюджет хизматчилари меҳнат фонди ва улардан олинадиган солиқ миқдори орасидаги фарққа тенгдир, яъни давлат харажатларини қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$E = (1 - t)wG.$$

4. Давлат даромадлари миллий даромаднинг даромад солиғи ставкасига мос келувчи қисмига тенгдир. Давлат даромадлари қуйидагича ифодаланилади:

$$T = tY.$$

5. Давлат мувозанатлашган бюджетни таъминлайди, яъни харажатлар ва даромадлар тенглигини. Юқоридаги харажат ва даромад формулаларини тенглаштириб, давлат бюджетининг мувозанатлашган шароитини оламир.

$$t = (1 - a)^{-1}$$

Бу ерда a — миллий даромаддаги бюджет соҳаси хизматчилари иш ҳақи фондининг нисбий қиймати, яъни $a = wG/Y$.

Давлат мувозанатга бюджет хизматчиларининг миллий даромадни максимал катталигини таъминлайдиган сониди эришади.

$Y = (G; L-G)$. функция ҳосиласини нольга тенглаштириб, мувозанат ҳолати шартига эга бўламиз.

$$MP_G = MP_H.$$


Шундай қилиб, миллий даромад максимумга бюджет ва хусусий сектор хизматчиларининг энг юқори чегаравий маҳсулотлари тенглигида эришади. Агар тенгликнинг чап томони ўнг томонидан кўп бўлса, миллий даромад бюджет хизматчилари сони ортиши ҳисобига ошади. Агар чап томон ўнг томондан кам бўлса, миллий даромад функцияси камаювчи бўлади.

Қуйидаги расмда миллий даромад функцияси Y билан, бюджет соҳаси хизматчиларининг мувозанат сони G^* билан, миллий даромаднинг максимал қиймати Y^* билан ифодаланган. Давлат даромадлари tY билан ифодаланган бўлиб, у ҳам G^* нуктада ўз максимумига эришади. Давлат харажатлари $(1 - t)wG$ функцияси билан берилган. Бир вақтнинг ўзида миллий даромадни максималлаштириш ва давлат бюджети мувозанатига эришиш учун давлат харажатлари графиги давлат даромадлари графиги билан A нуктада кесишиши керак, бу нукта бюджет соҳаси хизматчиларининг мувозанат сонини билдиради.

Тақдим этилган моделдан давлат параметрлари мувозанатининг алгоритм ҳисоби келиб чиқади.:

1. $MP_G = MP_H$. формула ёрдамида бюджет соҳасида бандларнинг мувозанат сони G^* ни аниқлаймиз.

2. $Y = (G; L-G)$. формуладан миллий даромаднинг максимал миқдори Y^* ҳисоблаймиз.



2-Расм. Финдли-Уилсон модели

3. $a = wG/Y$. Формуладан миллий даромаддаги бюджет соҳаси хизматчилари иш ҳақи фондининг оптимал миқдори a^* ни аниқлаймиз.

4. $t=(1-a^{-1})^{-1}$ формуладан даромад солиғининг оптимал қиймати t^* ни ҳисоблаймиз.

5. $E=(1-t)wG$. формула бўйича E^* мувозанат ҳолати бўйича давлат харажатларини ҳисоблаймиз.

6. $T = tY$. формула бўйича T^* ҳолатдаги мувозанат учун давлат даромадларини ҳисоблаймиз, бунда харажатлар даромадларга тенг, яъни бюджет мувозанатлашган.

Мисол. Миллий даромад қуйидаги формула билан берилган

$$Y=G^{0,2}H^{0,8}$$

Бу ерда G ва H мос равишда бюджет ва хусусий сектор хизматчилари сони. Иқтисодиётнинг икки секторида ҳам бандлар сони 100 га тенг, бюджет соҳасида иш ҳақи 1,2 га тенг. Юқорида келтирилган алгоритм ёрдамида мувозанат катталикларни ҳисоблаб чиқайлик.

- | | |
|-----------------------------|--------------|
| 1) $MP_G = MP_H$. дан: | $G^* = 20$ |
| 2) $Y = (G; L-G)$. дан: | $Y^* = 60,6$ |
| 3) $a = wG/Y$. дан: | $a^* = 0,4$ |
| 4) $t=(1-a^{-1})^{-1}$ дан: | $t^* = 0,28$ |
| 5) $E=(1-t)wG$. дан: | $E^* = 17,3$ |
| 6) $T = tY$. дан: | $T^* = 17,3$ |

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ

III – 1. Ўзбекистон Республикасида давлат - жамиятнинг асосий институти сифатида

Узоқ вақт мобайнида жамият ва давлат тушунчалари мазмунига кўра ва терминологик жиҳатдан ўзаро фарқланмаган. Уларни бир-биридан ажратиш йўлидаги илк қадамлардан бири Н. Макиавелли томонидан қўйилди – у давлатни белгилаш учун махсус *Stato термини* жорий этди. Фуқаролик жамияти ва давлатни жиддий назарий фарқлаш биринчи бўлиб Гегель томонидан амалга оширилди. Бунда у, албатта, давлатни биринчи ўринга қўйди. Давлат ва жамиятни айнан бир нарса деб қараш анъанаси ҳозирда ҳам мавжуд – фақат назарий жиҳатдан эмас, балки кундалик онгда ҳам.

Жамият – арабча умумий деган маънони англатади. Жамият атамаси кўп маъноли сўзлар қаторига киради. Бугунги кунда жамият ибораси орқали қуйидагиларни ифодалаш қабул қилинган: *биринчидан*, ўзларининг муштарак мақсади ва манфаатлари йўлида бирлашган кишиларнинг уюшмасини (билим жамияти, автоҳаваскорлар жамияти ва ҳ.к.); *иккинчидан*, инсоният тараққиёти муайян босқичининг ифодаси сифатида (ибтидоий жамият, кулдорлик жамияти, феодал жамияти, капиталистик жамият); *учинчидан*, табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алоҳида шаклини ифодаладиган тушунча сифатида. Жамият – оила, гуруҳ, табақа муносабатлари билан бирлашган кишиларнинг мураккаб ўзгарувчан алоқалар тизимидир. У инсонларнинг шундай уюшмасидирки, унда биологик қонунлар эмас, балки ижтимоий қонунлар амал қилади.

Давлат атамаси эса одатда икки маънода ишлатишади, кенг маънода маълум бир ҳудудда жойлашган ва олий бошқарув органлари томонидан бошқарилувчи мамлакат, жамият тушунилади. Тор маънода – ушбу ҳудудда тарихан шаклланган ва олий ҳокимиятга эга ташкилот. «Давлат – ҳуқук асосида уюшган, ягона ҳудуд устидан ҳукмронлик қилиш ва ягона

ҳокимиятга бўйсунуш асосида бирлашган одамларнинг умумий иттифоқидир»⁸.

«Давлат» иборасининг тўла маъноси қуйидаги ижтимоий ҳодисаларнинг уйғунлиги ва бир бутунлигида намоён бўлади: а) ҳокимият ва бўйсунуш муносабатларининг мавжудлиги; б) ҳокимият мажбурлов чораларини қўллашда танҳо (суверен) ҳуқуққа эга бўлиши; в) юридик мазмун ва тартибнинг мавжудлиги; г) бошқарув ва у туфайли нисбий барқарорликнинг таъминланиши; д) ташкилий уюшганлик. Давлат – сезги органлари ёрдамида аниқлаш мумкин бўлган моддий ҳодиса эмас, балки жамият аъзоларининг юридик жиҳатдан тартибга солинган ўзаро бўйсунуш ва бошқарилишини ифодалайдиган алоқаларини назарда тутувчи ижтимоий воқелик. Давлат тўғрисида сўз юритганда, биз ваколатли органлар томонидан одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини назарда тутамиз. Демак, давлат одамлар ҳуқ-атворини қатъи ҳуқуқий нормалар ёрдамида мажбурий тартибга солишдан иборат функцияни бажарувчи мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Давлат – жамиятнинг ягоналиги ва яхлитлигини таъминлайдиган сиёсий ташкилот бўлиб, махсус механизм (аппарат) воситасида жамият ишларини бошқарувчи суверен оммавий-сиёсий ҳокимият сифатида ҳуқуққа умумий мажбурий хусусият бахш этади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни қафолатлайди.

Алоҳида ижтимоий институт сифатидаги давлатнинг бошланғич манбалари, унинг вужудга келиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги масала муҳим аҳамиятга эга.

Давлатнинг пайдо бўлиши тўғрисида турли назариялар мавжуд:

Теологик концепция давлатнинг келиб чиқишини илоҳий қонунлар билан боғлайди.

Патриархал назария (асосчиси – XVIII аср инглиз сиёсий мутафаккири Роберт Филмер) давлатнинг вужудга келишини уруғларнинг қабилаларга,

8 Ильин И. Собр. соч. в 10-ти томах. – М., 1994. – С. 111.

кабилаларнинг эса катта ижтимоий бирликларга, шу тариқа давлат тузилмаларига қадар механик бирлашуви натижаси, деб ҳисоблайди.

Ўз вақтида Конфуций давлатнинг **патриархал-патерналистик концепциясини** баён қилиб берган эди: унга кўра давлат катта оила ҳисобланади. У ҳукмдорларни фуқаролар билан яхши фазилатлар асосида муносабат ўрнатишга даъват қилди. Конфуцийнинг фикрига кўра, давлат – бу умум манфаати йўлида ҳамманинг номидан амалга ошириладиган патриархал ҳокимиятнинг ривожланган шакли.

Т.Гоббс, Ж.Локк ва Ж.Ж.Руссо томонидан ривожлантирилган **ижтимоий келишув назарияси** давлатни ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш ва тартибга солишни таъминлаш мақсадида мустақил ҳукмдор ва фуқаролар ўртасида ўрнатилган ўзаро келишувдан келтириб чиқаради.

XIX асрда давлатнинг пайдо бўлишини бир гуруҳнинг иккинчисини босиб олиш билан изоҳловчи **зўравонлик назарияси** (асосчиси австриялик социолог ва ҳуқуқшунос Л. Гумплович) кенг тарқалди.

Психологик назария давлатнинг пайдо бўлишини инсон даҳосидан туғилган ғоялардан келтириб чиқаради.

Ижтимоий-иқтисодий назария давлатнинг келиб чиқиш манбаларини меҳнат тақсимотидан, жамиятни бошқариш фаолиятининг ажралиб чиқишидан қидиради. Унинг энг қадимий кўриниши – Платон қарашлари.

Марксистик назарияга кўра, давлат иқтисодий жихатдан ҳукмрон синф манфаатларининг ифодачиси сифатида жамиятнинг синфларга бўлиниши натижасида пайдо бўлади. Давлатнинг барҳам топиши муаммоси бу назариянинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Давлат пайдо бўлишининг **замонавий назарияси** юридик ҳисобланади, чунки у давлатни халқларнинг ҳуқуқларида кўради ва ҳокимиятни инсон ҳуқуқлари, яъни белгиланган даражадаги инсон эркинликлари асосий талабларининг ҳокимиятга муносабат билан боғлайди.

Ҳозирги тушунчада давлат мураккаб, кўп функцияли, ичдан табақаланган яхлитликни ўзида акс эттиради. Бошқа сиёсий шакллардан уни

расмиятчилик, муайян қоидалар, биринчи навбатда, унинг фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқнинг мавжудлиги ажратиб туради. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, демократик давлат қурилишига бирор бир синфнинг «туб манфаатлари»ни мутлақлаштириш йўли билан эмас, балки кишилар турли ижтимоий бирликлари манфаатларининг консенсуси йўли билан эришилади.

Давлат бу – бутун халққа, кишиларнинг барча ижтимоий бирликлари, партиялар ва ҳаракатлар, кўнгилли уюшма ва иттифоқларга хизмат қилиши мажбурий бўлган орган. У тартиб-интизом ва барқарорликни, жамият ривожланишининг демократик асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга даъват қилинган.

Шундай қилиб, давлат бу – асосий элементларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва давлат хавфсизлиги, қуролли кучлар, қисман оммавий ахборот воситалари ташкил этган мураккаб кўп қиррали тизим ҳисобланади.

Ижтимоий институт сифатида давлат муайян тарихий вазифалар ва белгиларга эга. Қуйидагилар *давлатнинг умумий белгиларига* киради:

- Ижтимоий ва синфий тафовутлар мавжуд бўлганда давлатнинг жамиятни бир бутун қилиб бирлаштиришга қодирлиги. Давлат, биринчи навбатда, ҳаммага тааллуқли манфаатлар доирасида фаолият кўрсатади, ижтимоий яхлитликни сақлаш муаммоларини ҳал қилади. Агарда у бу вазифаларни ҳал қилмаса, давлат сифатидаги лаёқатини йўқотган ҳисобланади. Давлатни бир синфнинг иккинчиси устидан ҳукмронлик қилиш воситаси деб билиш моҳият эътибори билан анархистик анъаналарга эргашиш, унинг табиатини жиддий равишда нотўғри талқин этиш, давлатнинг ижтимоий яхлитликнинг умумий манфаатлари билан муқаррар алоқасини унутиш ҳисобланади.

- Давлат бу – ҳокимият органи, лекин нафақат ишонтириш, балки, шу билан бирга, ижтимоий мажбурлаш, белгиланган меъёрларга риоя қилганлик ёки уларни бузганлик учун тақдирлаш ёки жазолаш чора-

тадбирларидан фаол фойдаланадиган орган. Ошкора куч ишлатиш, жисмоний мажбурлаш монополияси.

- Давлат фаолиятининг меъёрлари ҳуқуқлари – жамиятнинг вакиллик органлари томонидан қабул қилинадиган қонунлар билан белгиланади ва мустаҳкамланади. Улар асосида жамиятни бирлаштириш ва бошқариш, давлатнинг бевосита фаолиятини қатъий белгилаш амалга оширилади. Ҳамма учун мажбурий бўлган қонунлар ва меъёрлар чиқаришда танҳолик ҳуқуқи.

- Мустақиллик давлатнинг ўз чегараси ҳудудида фаолият кўрсатадиган субъектларга нисбатан энг олий ва чекланмаган ҳокимиятга эгаллигини билдиради. Бошқа давлатлар ҳам бу тамойилни ҳурмат қилишлари керак. Бу тамойил жамиятнинг эркин, мустақил ҳаёт кечириши ва ривожланишини таъминлайди. Ҳозирги давлатларнинг мустақиллик доираси битимларда мустаҳкамланган халқаро иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ўзаро боғлиқликлар билан чегараланади. Мустақиллик бу муайян ҳудуддаги олий ҳокимиятдир.

- Умумийлик ўз таъсир доирасига бошқа давлатлар фуқаролари билан биргаликда унинг ҳудудидаги барча кишиларни қамраб олади.

- Давлатнинг ўз функцияларини амалга ошириши билан боғлиқ харажатларини қоплаш мақсадида аҳолидан йиғиб олинадиган солиқлар.

- Давлатга таъриф беришда унинг ажралиб турувчи белгилари ўзига хос хусусиятлари билан тўлдирилади, улар жумласига чегаралар билан белгиланган, барча чегара давлатлари томонидан расмий-келишув асосида тасдиқланган ҳудуд киради. Давлат ҳудуди ер, ер ости бойликлари, ҳаво кенглиги ва ҳудудий сувларни ўз ичига олади. Бу дегани давлат ушбу муҳитларда ўз ҳокимиятини ўрнатади ва уларни бошқа давлатлар ва жисмоний шахслар томонидан бўладиган ташқи тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Нисбатан барқарор ва қафолатланган ҳудуд яхлитлигига эга бўлиш давлатни сақлаб қолишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Кўпгина

ички ва ташқи сиёсий зиддиятлар айнан давлатнинг моддий асоси устидан назорат ҳақидаги масала атрофида авж олади.


- Давлат аҳолиси ягона миллатдан ташкил топиши ҳам мумкин, лекин, кўпинча у кўп миллатли бўлади.

- Давлат аппарати воситасида давлат фаолият кўрсатади ва ўз ҳокимиятини амалга ошириб, ривожланади. Ҳокимият давлатда институтлаштирилган характер касб этади. Бу мазкур ҳокимиятни вақтинча амалга оширадиган шахсни сиёсий бирлик-давлатга мансуб ҳокимиятнинг ўзи билан аралаштирмаслик кераклигини билдиради. Олий ҳокимият таркибига кирувчи шахслар алмашиб туради, лекин бу билан давлатнинг институтлаштирилган ҳокимияти йўқолмайди. Бу ўзгаришлар фуқаролар уруши ёки бошқа давлатларга бўйсунуш каби давлатни йўқ қиладиган сабаблар билан бирга кечадиган ҳоллар бундан мустасно.

Давлатнинг белги ва хусусиятлари уни нафақат бошқа ижтимоий ташкилотлардан фарқлаш, балки унда ҳозирги цивилизацияда жамиятнинг яшаши ва ривожланишининг зарур шаклини кўриш имконини ҳам беради.

III – 2. Давлат институтининг таркибий ва ташкилий тузилмаси, унинг механизми ва функциялари.

Давлат узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди, шу давр ичида у шаклланиб, ривожланиб, ўзгариб келди. Табиийки, давлат инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳар хил шаклларга эга бўлган. Давлатни унинг шакли нуқтаи назаридан ўрганиш – аввало, давлат тузилиши, унинг асосий таркибий қисмлари ва ички структурасини, шунингдек давлат ҳокимиятини ўрнатиш ва амалга оширишнинг асосий усуллари аниқлашга назарда тулади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосиласидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир»⁹.



Давлат ҳокимиятини амалга ошириш масаласи барча замонларда долзарб бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Давлатнинг институциявий элементи – давлат ҳокимиятининг уюштирилиши, ташкиллаштирилганлиги, яъни ташкилот сифатида расмийлаштирилганлигидир.

⁹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т., 1996. 6-б.

Давлатга ўз ҳокимиятини амалга ошириш имконини берувчи *ташкилий – моддий куч* – бу давлат аппарати (механизми) дир. Бу аппарат (механизм) давлатнинг нимадан ташкил топганлигини англатади. Давлат аппарати – давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлар тизими. У давлат олдида турган мақсад ва вазифаларни бажаришга қаратилган асосий функцияларни адо этади. Аппарат – жамиятда бошқарувни амалга оширувчи лавозимли ходимлар ва бошқарув органлари йиғиндисидир. Давлат ҳокимиятини амалга оширувчи махсус ташкилот “*давлат аппарати*” ва “*давлат механизми*” атамалари билан ифодаланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ислохотларда давлатнинг роли, унинг бош ислохотчилик хусусиятлари ҳақида фикр юритар экан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов ушбу сермазмун ишларни амалга оширишда давлатнинг, давлат органларининг ва энг асосийси, давлат механизмининг тутган ўрни бекиёсдир¹⁰, – деб таъкидлайди.

Давлат механизми (аппарати) да жамият олдидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги вазифа ва функцияларни бажариш мақсадида, бир қанча давлат органлари иерархия асосида, ягона бир тизимга бирлашади. Шунингдек, у ўз функцияларини бажариб, давлат ҳокимиятини амалга оширади. Давлат механизмини ташкил этиш муайян объектив принципларга таянади. Бу эса жамиятни давлат томонидан самарали идора этилишини таъминлайди.

Давлат функциялари – давлатнинг яхлит, сиёсий, институционал, ҳудудий жиҳатдан ягона фаолиятидир. Шунинг учун давлат назариясида давлат функцияларини ички ва ташқи функцияларга ажратиш, яъни давлатнинг жамиятга (давлатнинг ўзи ҳам жамиятнинг алоҳида ташкилоти ҳисобланади) муносабати бўйича (ички функциялар) ва давлат шаклида ташкил топган бошқа жамиятларга, бошқа давлатларга нисбатан муносабати

10 Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т., 2005. – 40-б.

(ташқи функциялар) бўйича фаолиятини аниқлаш функцияларни тақсимлашнинг ғоят кенг тарқалган ва эътироф этилган усулидир.

Давлатнинг ички функциялари – унинг жамият ички ҳаётини бошқариш бўйича фаолиятининг асосий йўналишларидир. Ички функцияларни таснифлаш давлат фаолиятининг соҳалари бўйича амалга оширилади. Бошқарув шакллари ёки давлат қурилишидан қатъи назар, ҳар бир давлат бир қатор асосий иқтисодий, ижтимоий, муҳофаза ва назорат қилиш вазифаларини ҳал этади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш барча давлатларнинг энг муҳим вазифасидир. Давлат фаолиятининг мазкур соҳаларига мувофиқ унинг ички функциялари иқтисодий, ижтимоий, молиявий назорат, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилиш функцияларига бўлинади.

1. **Иқтисодий функция** давлат томонидан мамлакат иқтисодиётини энг мақбул шароитда ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқиши ва мувофиқлаштирилишида ўз ифодасини топади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида амал қилувчи ҳуқуқий давлатда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш маъмурий усуллар воситасида эмас, асосан иқтисодий услубларда амалга оширилади. Бундай давлат учун мулкдорнинг эркинлик ва мустақиллик ҳуқуқи хос бўлиб, бу ҳуқуқлар ижтимоий бойликларни, (моддий неъматларни) яратувчиларнинг ҳам, уларни истеъмол қилувчиларнинг ҳам бир хилда тенглиги ва мустақиллигини таъминлайди.

2. Давлатнинг **ижтимоий функцияси** шахснинг ижтимоий ҳимояланганлиги, моддий бойликлар яратишда бевосита иштирок этиши ёки иштирок этмаслигидан қатъи назар, жамиятнинг барча аъзолари учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилади.

3. **Молиявий назорат функцияси** ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари давлат томонидан аниқланиши ва ҳисобга олинишида ўз ифодасини топади. Қонунга биноан бундай даромадларнинг муайян қисми ижтимоий ва бошқа умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун давлат

бюджетига солиқлар тарзида йўналтирилади. Давлат солиқларнинг тўғри сарф қилиниши устидан назоратни амалга оширади. Даромадлар ва харажатлар устидан олий даражадаги молиявий назорат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президенти ҳузуридаги Ҳисоб палатаси ваколатига киради. Жойларда ушбу вазифаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажарадилар. Молия вазирлиги бундай назоратни амалга оширишда зарур ҳуқуқларга эга.

4. Ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) функцияси – давлатнинг ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари давлат томонидан чиқарилган қонунларни аниқ ва тўла бажаришини таъминлашга қаратилган фаолиятидир.

Жамият ва давлат ҳаёти адолатли қонунлар негизига қурилган ҳуқуқий давлатда шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳар қандай ноқонуний тажовузлардан муҳофаза қилинади. Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти марказида, биринчи навбатда, шахснинг фуқаро сифатидаги, жамият аъзоси сифатидаги, эркин индивид сифатидаги шахси, шунингдек давлатнинг ўзи ва унга қарашли турли тузилмалар туради. Шунинг учун шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш билан бир пайтда давлат ўзи ҳамда бутун жамият манфаатларини муҳофаза қилади.

5. Табиатни муҳофаза қилиш (экология) функцияси – ҳозирги кунда ҳар қандай давлатнинг, умуман, бутун жаҳон ҳамжамиятининг ҳаётий муҳим фаолиятидир. Атроф-муҳит биргаликда яшаш объекти сифатида ўзига нисбатан ўта оқилона ҳушёр ва баодоб, сергак муносабатда бўлишни талаб қилади. Ҳозирги Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш мақсадига қаратилган қонунларнинг кенг кўлами ишлаб чиқилган бўлиб, уларда одамлар ва табиий муҳитдан фойдаланиш соҳасидаги турли ташкилотларнинг фаолияти барқарор тартибга солинган (ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси, табиий ресурслар ва сувни муҳофаза қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилинган). Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ишлаб чиқилиб, ҳозирда амал қилиб турган дастурларда табиий муҳит яхлитлигини

ва мувозанатини бузувчиларга қарши фаол таъсир чораларни кўриш, ҳатто табиий муҳитни ифлослантирувчи зарарли чиқинди-манбаларига тўлиқ барҳам беришгача бўлган чораларни қўллаш назарда тутилган.

Давлатнинг ташқи функциялари – давлат халқаро майдонда олиб борадиган фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бундай фаолият бошқа давлатлар билан ижобий муносабатлар ўрнатиш ва уларни сақлаш ҳамда эҳтимол тутилган ташқи тажовуздан мамлакатни мудофаа қилишни таъминлашдан иборат давлатнинг ташқи вазифаларини ҳал этишга қаратилган. Шунга кўра давлатнинг ташқи функциялари: жаҳон ҳамжамиятининг *барча давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик* ва *ташқи ҳужумлардан мамлакатни мудофаа қилиш* каби икки асосий функцияга бўлинади.

Бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш – давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва муайян давлатнинг манфаатларини барча давлатларнинг аниқ ва умумий манфаатлари билан уйғунлаштирувчи тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш ҳамда уларни ривожлантиришга қаратилган турли хил фаолиятidir. Жамият тараққиётининг ҳозирги даражаси алоҳида олинган ҳар бир давлатнинг ва умуман, жаҳон ҳамжамиятининг ички муаммоларини янада самарали ҳал этиш учун барча тараққий этган давлатларнинг хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётини интеграциялашни, уларнинг умумий куч-ғайратини бирлаштиришни талаб қилади. Бундай ҳамкорлик интеграция масалаларига кенг ва ўзаро манфаатли ёндашувни, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали нафақат муайян мамлакатнинг, балки ҳамкорлик барча иштирокчиларининг манфаатларига мос келадиган энг оқилона ечимларни топа билишни тақозо этади.

Ташқи ҳужумдан мамлакатни мудофаа қилиш бўйича давлат функцияси – давлат фаолиятининг муҳим йўналишидир. Тарихнинг гувоҳлик беришича, давлат тарзида уюшган жамият тараққиётининг барча босқичларида мамлакатнинг эркинлиги ва мустақиллиги, суверенитети ва

худудий яхлитлигини ташқи тажовузлардан ҳимоя қилиш объектив зарурият бўлиб келган.

Мамлакатни мудофаа қилиш функцияси иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий воситалар орқали амалга оширилади. Бу функция тинчлик вақтида мамлакатни эҳтимол тутилган ташқи ҳужумни қайтаришга ҳар томонлама тайёрлашдан иборатдир. Уруш вақтида эса мудофаа функцияси душман билан бевосита қуролли кураш шаклига эга бўлиб, унда ғалабага эришиш учун мамлакатнинг бутун имконияти ва барча кучларини бирлаштириш рўй беради.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мудофаа доктринасини эълон қилиб, уни изчил амалга оширмоқда. Мазкур доктринанинг моҳияти бошқа давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан эҳтимол тутилган тажовузга барҳам бериш учун мақбул даражада етарли куч ва воситаларни яратишдан иборат. Давлатнинг мудофаа фаолияти унинг ҳарбий доктринасига асосланиб, қуйидаги асосий йўналишлардан таркиб топади.

Мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш. Фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларига таянган, ривожланган ва самарали иқтисодиёт мамлакатнинг юксак мудофаа қобилиятини таъминлайди, яъни Қуролли Кучларнинг эҳтиёжларини қондириш, мамлакат мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш учун барча зарур нарсаларни ишлаб чиқариш имконини беради. Замонавий иқтисодиёт армияни техника ва қурол-яроғларнинг энг янги намуналари, давлат мудофаа салоҳиятининг бошқа таркибий қисмлари билан зарур даражада таъминлайди.

Қуролли Кучларни мунтазам равишда такомиллаштириш, уларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини муттасил ошириб бориш. Ўзбекистон Республикасининг Президенти мамлакат Қуролли Кучлари Бош қўмондони сифатида Қуролли Кучлар қудратли, ҳаракатчан ва мослашувчан, замонавий ҳимоя воситаларига эга бўлиши, ҳарбий техника ва қурол-яроғларнинг барча турларидан профессионал даражада фойдаланиши, юксак

жанговар қобилият ва тайёргарликка эга бўлиши, қонунийлик ва халқаро ҳуқуқ қоидалари доирасида ҳаракат қилиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Давлат чегараларини қўриқлаш. Ушбу фаолият чегара қўшинлари ва бошқа махсус бўлинмалар томонидан амалга оширилиб, давлат қонунлари билан белгиланган чегара режимини таъминлашга қаратилгандир.

Фуқаро мудофаасини ташкил этиш. Давлат эҳтимол тутилган ташқи хужумга қарши кураш ва уруш вақтида мамлакат иқтисодиёти барқарор амал қилишини таъминлаш мақсадида тинчлик мақсадини кўзлаб, бир қатор мудофаа тадбирлари ўтказилади. Ушбу фаолият оммавий қирғин қуроли билан зарба берилиши эҳтимол тутилган аҳоли пунктларидан одамларни кўчиришни назарда тутди. Бу иш махсус ҳимоя иншоотлари барпо этиш, кутқарув ва тиклаш ишларини ўтказиш билан боғлиқдир.

Қуrolли Кучлар захирасига ҳарбий таълим бериш. Кўпгина мамлакатларда ҳарбий ҳисобда турган шахсларни ҳарбий жиҳатдан вақти-вақти билан қайта тайёрлаш ташкил этилади. Бу давлатлараро ҳарбий низолар келиб чиққан тақдирда қуrolли кучларни тезда сафарбар этиш ва уларнинг ўрнини малакали шахсий таркиб билан тўлдириш имконини беради. Бизнинг давлатимиз ҳам ноҳарбий тайёргарликни ташкил этади, бу жараён ўрта ва олий юртларида амалга оширилади.

Давлат вазифаларини бажариш учун уларга мос равишда давлат органлари ташкил этилади ва бу органлар асосий масъулиятни ўз зиммасига олади. Масалан, қонунларни яратиш учун парламент шакллантирилади, қонунларга бир хилда амал қилинишини назорат қилиш мақсадида прокуратура органлари ташкил этилади. Давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият юритиши ваколатларнинг тақсимланиши принципи асосида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда давлатшунос олимлар давлат аппаратининг, энг аввало, фуқаролар ва улар уюшмаларининг турли эҳтиёж ва манфаатларини мутаносиблаштириш механизми деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрнинг

тўғрилиги давлат механизмининг ўзига хос умумий белгиларини таҳлил этиш жараёнида яққол кўзга ташланади.

Давлат механизми қуйидаги асосларга кўра фаолият юритади:

Давлат механизмининг ягоналиги. Давлат механизми – давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик тизмидир. Унинг яхлитлиги аввало, давлат ҳокимияти ва унинг иродаси ягоналиги билан, давлат органлари ва муассасалари фаолияти тамойиллари, вазифалари ва мақсадларининг ягоналиги билан таъминланади. Давлат органлари ўзаро фарқ қилишига қарамай, бир бутуннинг қисмлари ҳисобланади ва ўзаро чамбарчас боғлиқ. Масалан, парламент ва ҳукумат турли ваколатларга эга, ҳар хил мазмундаги ишларни бажаради, лекин ҳар иккиси ҳам биргаликда ягона давлат ҳокимиятини амалга оширади, яъни иккаласининг фаолияти ҳам фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда фаолият юритади.

Мақсад ва вазифаларнинг умумийлиги. Барча давлат орган-лари умумий мақсад ва вазифаларни бажаради, яъни давлат функциясини амалга ошириш учун ягона тизимга бирлашади. Асосий мақсад – жамият ва халқ манфаатини қондириш. Демократия шароитида давлат ва давлат органлари халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатлари учун хизмат қилади.

Асосий қонунимизда белгиланганидек, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Конституциянинг 7-моддасида белгилаб қўйилганидек, «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

Иерархик тизимга асосланганлиги. Давлат механизми (аппарати) пирамида шаклида тузилган бўлиб, унда юқори турувчи органлар қуйи турувчи органларга нисбатан кўпроқ ҳуқуқий ваколатларга эга бўлади ва уларнинг фаолиятига таъсир кўрсата олади, қуйи турувчи органлар эса

юқори турувчи органларнинг қарорларини бажаришга мажбурдирлар. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини вазирликлар ва давлат қўмиталари, жойлардаги маҳаллий органлар, ҳокимликлар бажариши мажбурий ҳисобланади.

Мажбурлов аппаратининг мавжудлиги. Давлат органлари, хусусан, қонун чиқарувчи орган қонун қабул қилиш ва уни кучга киритиш усули билан, ижро этувчи органлар бошқарув, мажбурлов ва рағбатлантириш усуллари билан, судлар, прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар мажбурлов ва ишонтириш усули билан ҳуқуқий нормаларни татбиқ этадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқ нормаларини амалиётга жорий этишда асосан ишонтириш ва мажбурлаш усулларида фойдаланган ҳолда иш юритадилар. Таассуфки, жамиятдаги барча фуқаролар ҳам давлат томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қоидаларга сўзсиз риоя қилавермайдилар, чунки инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти бир хилда шаклланмайди. Шу боис фуқаролар давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга ўз хоҳишларига кўра риоя этмайдиган бўлса, давлат ўзининг мажбурлов кучи орқали қонунларнинг бажарилишини таъминлайди. Булар: *прокуратура, ички ишлар органлари, божхона, миллий хавфсизлик хизмати, жиноий жазони ижро этиш муассасалари, молия органлари, армия ва бошқалар.*

Бошқарув фаолияти билан шугулланувчи махсус шахслар гуруҳининг мавжудлиги. Давлат органларида фаолият юритувчи шахслар, фақат бошқарув ишлари билан шугулланадилар, улар ишлаб чиқариш ва моддий неъматлар яратиш жараёнида иштирок этмайдилар. Бироқ, ушбу тоифадаги шахслар давлат ва жамият манфаатлари учун фаолият кўрсатадилар. Масалан, судья судлов жараёнида ҳуқуқбузарлик содир этган бирор-бир яқин танишининг иши бўйича, у шахсга нисбатан қонуний чора кўриш жараёнида, ўзининг шахсий манфаатларидан эмас, балки давлат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, объектив равишда қонунга асосан ҳукм чиқаради.

Ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат органлари ички тузилишининг мавжудлиги. Давлат механизмининг бир меъёрга ишлашини таъминлаш мақсадида давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат ташкилотлари биргаликда фаолият юритади ва ўз навбатида, улар ички таркибий тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Давлат органлари - давлат функцияларини амалга оширишда ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат механизмининг асосий бўғини, масалан, прокуратура, суд, ички ишлар органлари ва бошқалар ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органларидир.

Давлат ташкилотлари – бевосита ишлаб чиқариш ҳамда таъминот билан шуғулланувчи давлат идораси ҳисобланиб, давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган функцияларни бажаради. Мазкур ташкилотларнинг асосий қисмини давлат ўз монополиясида қолдиради. Метро, трамвай, троллейбус, электр энергияси тармоғини бошқариш, алоқа тизими шулар жумласидандир.

Давлат муассасалари – давлат органлари каби ҳокимият ваколатига эга бўлмай, давлатнинг олдида турган умумижтимоий вазифаларни бажарувчи идоралар, масалан, касалхоналар, маориф, театр ва бошқалар. Ушбу муассасалар ҳокимият ваколатига эга бўлмасада, лекин жамият олдида турган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни бажарадилар.

Юридик адабиётларда «*давлат аппарати*» ва «*давлат механизми*» деган тушунчалар кўп учрайди. Бу тушунчалар асосан бир хил маъно ва мазмунга эга. Лекин «давлат механизми» кенгроқ тушунча бўлиб, унга давлат органларидан ташқари, давлат аппарати ишини ташкил қилувчи ва унга ёрдам берувчи бўлимлар, муассасалар ҳам киради. Уларга таяниб, давлат аппарати ўз фаолияти – давлат функцияларини амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини давлат органи деб олсак, Ички ишлар вазирлигининг олий ўқув юртлари, тиббиёт, молия-иқтисод бошқармалари ва шунга ўхшаш вазирлик фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берадиган ташкилотлар унинг муассасалари ҳисобланади.

Давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёни нуқтаи назаридан “давлат механизми” атамасини қўллаш мақбулроқдир. Зеро, “механизм” ибораси бой мазмунга эга бўлиб, бунда ҳодисанинг функционал жиҳати, ҳаракатланиш ҳолати акс этади. Шунга кўра, агар “давлат аппарати” ибораси орқали давлатнинг структураси, таркибий тузилиши изоҳланса, “давлат механизми” ибораси кўмагида давлат идоралари тизимининг функционал жиҳати (хусусиятлари) тавсифланади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, “давлат механизми” атамаси давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизмини ёки давлатнинг ҳаракатланиш механизмини англатади.

Давлат механизми (аппарати) нинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши муайян раҳбарий ғоялар, қоидалар, яъни принциплар асосида амалга оширилади. Давлат механизмининг принциплари уларнинг тўғри фаолият юритишида йўлланма берувчи вазифани ўтайди. Шунингдек, мазкур принциплар давлат аппаратининг ҳаракат доираси ва мезонини белгилаб беради.

Давлат механизми фаолияти ва уни ташкил этишнинг *асосий принциплари*:

Ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципи. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоғидир. Ҳокимиятлар тақсимланиши уч жиҳат ёки уч даражада: *функционал, институциявий* ва *шахсий* даражада намоён бўлади.

Ҳокимиятнинг функционал бўлиниши. Қонун чиқарувчи ҳокимият куч ишлатиш қоидаларини ўрнатади, суд ҳокимияти куч ишлатишнинг аниқ чораларига йўл қўяди ёки улар юзасидан фармойиш беради. Шунинг учун ҳам ушбу ҳокимият тармоқларининг ҳар бири давлат мажбурловини алоҳида амалга оширмаслиги керак. Ижро этувчи ҳокимият айнан шундай кучга эга, лекин у ҳам ўз навбатида куч ишлатиш бўйича норматив ёки индивидуал қарорлар чиқармаслиги шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда ижро этувчи ҳокимият қонунлар ва суд қарорлари асосида ва уларни бажариш йўлида ҳаракат қилмоғи лозим.

Ҳокимиятнинг институционал бўлиниши. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд функцияларини бажариш бир шахс ёки муассаса қўлида жамланмаслиги керак. Ҳокимиятнинг бўлиниши мажбурлов кучига эга бўлган инстанцияларни куч ишлатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи инстанциялардан ажратишни, яъни куч ишлатиш ваколатига эга бўлган ва куч ишлатиш ҳақида қарор қиладиган органларни бўлиб юборишни билдиради.

Ҳокимиятнинг шахслар бўйича бўлиниши. Қонун чиқарувчи органлар таркибига ижро этувчи ҳокимият ходимлари ва судьялар кирмайди, яъни қонун кучига эга бўлган қарорларнинг бўлғуси ижрочилари депутат бўлиб сайланишлари мумкин эмас. Бироқ ҳукумат аъзолари бир пайтнинг ўзида ҳам парламент депутатлари бўлган парламентар мамлакатлар (Буюк Британия, Германия кабилар) да бу принцип амал қилмайди. Айни пайтда, бу ҳолатни ҳокимият бўлиниши принципининг бузилиши деб ҳисоблаб ҳам бўлмайди, чунки бунга парламентар типдаги мамлакатларнинг қатъий фарқланиши сифатида қараш тўғри бўлади¹¹.

Инсон ва фуқаролар асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги принципи. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилиши принциpidан келиб чиққан ҳолда давлат механизми (аппарати) ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Давлат органларини ташкил этишдан асосий мақсад ҳам инсон, унинг манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишдир.

Демократизм принципи. Давлат механизми (аппарати) ташкил этилиши демократик принцип асосида амалга оширилади. Чунки, давлатнинг қонун чиқарувчи органлари халқ томонидан сайлаш орқали ташкил этилади.

Поғонама-поғона бўйсунуши (иерархия) принципи. “Иерархия” – бири-бирига ўзаро бўйсунувда бўлиш деган маънони англатади. Поғонама-поғона жойлашиш принципининг мазмуни шундаки, у давлат органлари тузилишининг бир шакли бўлиб, юқори давлат органларининг ваколатлари

¹¹ Проблемы общей теории права и государства. Под ред. проф. В.С.Нерсисянца. – М., 2008. – С.576 – 579.

қуйи органларнинг ваколатларига нисбатан кўпроқ ҳамда улар қуйи органларнинг фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси олий давлат органларининг қарорлари мамлакатнинг бутун ҳудудида қуйи турувчи барча давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурий.

Ошкоралик принципи. Давлат механизми (аппарати)га кирувчи органлар ўз фаолиятини ошкоралик тамойили асосида амалга оширадилар. Қонун чиқарувчи орган – парламент фаолияти жараёнида қабул қилинаётган қонунлар лойиҳасини ёки қабул қилган қонунлар матнини оммавий ахборот воситалари орқали халққа эълон қилиниши ҳамда халқни қонунлардан хабардор этилиши ошкораликнинг ифодасидир. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган фармойиш ва қарорларнинг тўпламларда чоп этилиши ҳамда суд органлари томонидан чиқарилган ҳукмлар (давлат ва оила сири билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно) ва қарорлар ҳақида маълумотлар билан ҳам халқнинг танишиши учун очиқ бўлиши ҳам ошкоралик белгисидир.

Қонунийлик принципи. Давлат механизми (аппарати)нинг ташкил этилиши қонун йўли билан амалга оширилади. Давлат аппаратининг асосий бўғини бўлган қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис, ижро этувчи орган – Вазирлар Маҳкамаси ва суд органлари – Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва Конституциявий суд тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари қабул қилинган. Мамлакатимиздаги барча давлат органлари қонун асосида ташкил этилиб, қонун асосида фаолият юритади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Ўзбекистон Республикасида қонундан ташқари, ноошкора, махфий ва ҳарбий ташкилотлар тузиш тақиқланган. Шунингдек, давлат органлари ўз фаолиятини қонун асосида амалга ошириши шарт. Ҳар қандай давлат органларининг қонунларда белгилаб қўйилган ваколатлардан четга чиқиши мумкин эмас.

Профессионализм принципи. Давлат аппарати хизматчилари ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб, улар махсус малака ва билимга, етарли тажриба ва амалий уқувга эга бўлган ходимлар ҳисобланади. Давлат аппаратида хизмат қилаётган ходимлар дастлаб мазкур соҳа бўйича қуйи органларда хизмат қилган, ушбу соҳада бой тажрибага эга бўлган мутахассис ходим бўлиши шарт.

Коллегиаллик ва яккабошчиликнинг биргалиги принципи. Давлат аппарати органлари ўз фаолиятини коллегиаллик ва яккабошчилик асосида амалга оширадилар. Коллегиаллик жамоавий бошқарув ҳисобланиб, Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари ва юқори палатаси сенаторларининг хизмат фаолиятида яккол кўринади. Чунки ушбу органлар бамаслаҳат, муҳокама тарзида бир-бири билан ҳамкорликда масалаларни ҳал этадилар. Яккаҳокимлик ёки яккабошчилик принципида эса масала коллегиалликка ўхшаш умум иродасининг рўёбга чиқиши билан эмас, балки хизмат соҳаси ёки бўлим бошлиғининг яқдил фикри асосида ҳал қилинади. Масалан, Вазирнинг буйруғи ва ҳоказо.

Сайланиш ва тайинланишнинг уйғунлиги. Давлат механизми (аппарати)нинг ташкил этилиши сайланиш ва тайинланиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида олий вакиллик органлари Қонунчилик палатаси депутатларининг барчаси, Сенат аъзоларининг аксарият қисми, Олий суд органларининг раис ва ўринбосарлари сайлаш орқали тегишли ваколатга эга бўладилар. Ижро этувчи органларнинг барчаси тайинлаш тартибида шакллантирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти вазирлар ва ҳокимларни лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Давлат механизмининг дастлабки ва энг муҳим таркибий элементи *давлат органидир.*

Давлат органи — давлат функцияларини бажаришда қатнашувчи ва бунинг учун тегишли ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат механизмининг бўғинидир.

Давлат органлари бевосита давлат функцияларини амалга оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқлик ва нисбий мустақил бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов органлари (ташкилий тузилмалар)нинг ҳамкорликда фаолият юритувчи ягона тизимидир. Мазкур органлар давлати аппаратининг бир қисми ҳисобланиб, давлат функциясини амалга оширувчи маълум давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган, бажарилиши мажбурий ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарадиган, маълум тартибда ташкил этилган идоралардир. Давлат органлари тузилиши жиҳатидан алоҳида ва мустақил ташкилот эканлиги, доимий персоналлар – давлат хизматчиларининг мавжудлиги, фаолиятининг моддий-молиявий жиҳатдан барқарор таъминланганлиги билан ажралиб туради.

Давлат органларининг белгилари қуйидагилардан иборат:

- *Оператив бошқарувда бўлган оммавий мулкка эга ва бюджет томонидан молиялаштирилади.*
- *Давлат номидан муайян соҳада унинг вазифа ва функцияларини амалга оширади.*
- *Ҳокимият ваколатларига эгаллиги*
- *Таркибий тузилишига эгаллиги.*
- *Ҳудудий фаолият миқёсига эгаллиги.*
- *Қонун воситасида ташкил этилади.*

Давлат органлари хилма – хил бўлиб, улар турли вазифа ва функцияларни амалга оширади. Улар *фаолияти мазмуни ва мезонларига кўра турлича таснифланади:*

Давлат фаолиятини амалга ошириш шакли бўйича: *вакиллик, ижроия, суд органлари ва прокуратура органларига ажратилади.* Давлат органларини таснифлашнинг дастлабки асоси – уларнинг конституциявий бўлинишидир.

Вакиллик органлари. Ўзбекистон Республикасида марказий ва маҳаллий вакиллик органлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи

Давлатнинг Олий Вакиллик органидир. Икки палатали Олий Мажлис (Қонунчилик палатаси ва Сенат) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ўз ваколатига кирадиган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлардаги Халқ депутатлари кенгашлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи ва Конституциянинг кафили ҳисобланади. У давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради ҳамда уларнинг ҳамкорлигини таъминлайди. Президент Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш чораларини кўради; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг кафили бўлади; мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади; Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини парламент тасдиғига киритади, Бош вазирнинг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади; Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди, қонунчилик ташаббуси ва вето ҳуқуқларидан фойдаланади; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони ҳисобланади; Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилинадиган қарор асосида парламентни ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юбориши мумкин; Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ижроия органлар. Вазирлар Маҳкамаси – иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Олий Мажлисининг ҳамда унинг палаталарининг қарорларини ижро этилишини, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармон, фармойиш ва қарорлар

бажарилишини таъминловчи ижро органи. Вазирлар Маҳкамаси амалдаги конунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Ижро этувчи органлар вазирликлар ва давлат қўмиталаридан иборат тарзда таркиб топади.

Суд ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикасида беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик суди, Қорақолпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди – барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилади. У сиёсат ва ҳуқуқ соҳаларидаги мутахассислар орасидан Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат таркибда сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради. Олий суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъи ва бажарилиши барча учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судлари – мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар ҳамда тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш масаласи билан шуғулланадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судлари устидан назоратни амалга оширади. Хўжалик судлари туманлар миқёсида ташкил этилмайди.

Прокуратура органлари. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунингдек, кимнинг тасаруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқароларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

Юқоридан қўйига қараб бўйсунувига (иерархияга) кўра: марказий ва маҳаллий давлат органлари. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари поғонама-поғона бўйсунуш тамойили асосида ташкил этилган бўлиб, маҳаллий органлар марказий органларнинг итоатида бўлади. Марказий давлат органлари чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий давлат органлари учун мажбурий хусусиятга эга. Шунингдек, маҳаллий давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар марказий давлат органлари томонидан бекор қилиниши мумкин.

Ваколат муддатига кўра: доимий ва вақтинчалик давлат органлари.

Доимий органлар – фаолият муддати чекланмаган, доимий фаолият олиб боровчи давлат органлари. Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини доимий фаолият олиб боровчи органлар сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан, прокуратура, ички ишлар, солиқ, божхона органлари ва бошқалар.

Вақтинчалик органлар – жамият олдида турган бирон - бир муҳим вазифани муайян муддат давомида амалга оширувчи ва мазкур ишлар якун топиши билан ўз фаолиятини тўхтатувчи органлар ҳисобланади. Масалан, турли хил табиий офатлар юз берганда ёки оммавий тартибсизликлар юзага келганда давлат томонидан ушбу хавфни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ёки «оператив штаб» ташкил этилади. Мазкур комиссия ёки оператив штаб юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича муайян муддат давомида фаолият юритади.

Шаклланиш манбаига кўра: Бирламчи ва иккиламчи давлат органлари.

Бирламчи давлат органлари – халқ томонидан тўғридан - тўғри сайлаш йўли билан ташкил этиладиган органлар. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати (қисман) сайлаш йўли билан ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам халқ томонидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг раислари ва судьялари Сенат томонидан сайланади.

Иккиламчи давлат органлари — халқ томонидан сайланган, ташкил этилган ёки шахслар томонидан шакллантириладиган давлат органлари. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқ сайлаган Президент ва Олий Мажлис томонидан шакллантирилади. Вазирликлар ва давлат қўмиталари Президент томонидан ташкил этилади.

Ваколатни амалга ошириш тартибига кўра, коллегиал органлар ва якка тартибда ваколатни амалга оширувчи органлар.

Коллегиал органлар — ўз иш фаолиятини жамоавий тарзда, яъни коллегиал асосда ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида қонунлар депутатларнинг жамоавий муҳокамаси ва умумий овози асосида қабул қилинади.

Якка тартибда фаолият юритувчи давлат органлари — мазкур орган раҳбарлари хизмат фаолиятида муайян бир иш юзасидан жамоа билан маслаҳатлашув ёки муҳокама қилиш шаклидан маълум бир маънода мустақил бўлади ва ўзи якка ҳолда қарор қабул қилади. Бунга Президент, Бош вазир, Бош прокурор, ҳоким ва бошқаларни мисол тарзида кўрсатиб ўтиш мумкин.



III – 3. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги давлат институтлари ва фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти.

Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Ишлаб чиқилган ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодий мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир.

Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодийда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

2008-2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етди, жорий 2011 йилда эса 8,3 фоиз

даражасида бўлиши прогноз қилинмоқда ва бу кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бутун жамиятимизнинг ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар, ўз моҳият эътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Мустақилликнинг шарафли 20 йили давомида босиб ўтган йўлимиз ва кўлга киритган юксак марраларимиз мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини яққол кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида қуйидаги йўналишларни белгилаш зарур

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.

Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди.

Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард

натижада давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди.

Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата – Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуйи – Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш керакки, миллий парламентимизнинг ривожланишида янги парламент ва унинг ҳар бир палатасининг мақоми, ваколатлари ва фаолият механизмлари аниқ белгилаб берилган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунларнинг 2003 йилда қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу –

қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи вазифадир.

Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби катағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жинойт-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса ўз навбатида суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни пайтда судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилгани ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хусусан, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси махсус орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Бу эса

судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос бўлиши ва бутун диққат-эътиборини ўзларининг асосий бурчи бўлмиш одил судловни амалга ошириш учун қаратиш имконини берди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу ўз навбатида уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш. Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

Конституциямизга, шунингдек, “Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди.

Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса – сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида мустаҳкамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди ва бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги принципиал қадам бўлди.

Шу борада сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартишларнинг киритилиши ўта муҳим аҳамиятга молик улкан воқеа бўлди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралаштиришга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланиши ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

2009йилги сайлов арафасида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Концепция ишлаб чиқилди. Мазкур Концепция хорижий экспертлар томонидан фуқароларнинг сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ноёб ҳужжат

сифатида баҳоланган эди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу Концепциянинг амалга оширилиши сайловнинг қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, сиёсий партияларнинг ўта фаол иштирокида, сайлов жараёнига марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига йўл қўймасдан ўтказилишини таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнади.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига сайлов жараёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган бир қатор нормалар киритилди. Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди.

Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Шулар қаторида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг “ваколатли вакили” деган янги институт киритилди, унга имзо варақаларининг тўғри тўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Яна бир муҳим янгилик — қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилишида ўз аксини топди.

Шу асосда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида, шунингдек, сайлов кунида овоз бериш ҳоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан ҳам кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш. босиб ўтилган кейинги ўн йиллик давр аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали

алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Мамлакатимизда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.**

Сўнгги йилларда **“Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига қўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори** ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг **“Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори** ҳам алоҳида аҳамиятга эга

бўлди. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир.

Мазкур комиссиянинг фаолияти “учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очик, ошқора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил ҳисобланади

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очик-ошқоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг** қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан

ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу вазифани ҳал қилишда **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига** тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, **“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига** фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизминини яратишга қаратилган **“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни** қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада

амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Шулар қаторида соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш. Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди.

Шу борада қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар каторида Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунларни қайд этиш мумкин.

Ислохотларимизнинг кейинги босқичида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Хусусий корхона тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустақкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, **давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.** Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айтиш мумкин, бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустақкамлашга қаратилган **“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантикий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. “Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”, “Гаров реестри тўғрисида”, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”, “Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги ва бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилашда, ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурида

ана шундай ёндашув асосида иш тутганимиз ўтган йилларда ўзини тўла оқлади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Осиёдаги кўплаб мамлакатлар айнан шундай позицияга амал қилиб келмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, истиқболдаги энг муҳим вазифа – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб демократик ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бинобарин, ушбу демократик ислохотлар ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳамда мафкуравий соҳаларини тўлиқ қамраб олган.

Давлатнинг ижтимоий институт сифатида вужудга келиши ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви жараёнларини, жамиятни ташкил этувчи ва гуруҳларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий манфаат ва эҳтиёжларининг фарқланиши жараёнларини ўзида ифода этди. Айнан давлат ижтимоий манфаатларни ифода этиш ва амалга ошириш қобилияти туфайли ушбу кўп бўлақлардан иборат яхлитликнинг бир бутунлигини таъминлайди. Давлат қатор сифат белгилари билан жамиятга муҳим даражада таъсир кўрсатувчи нодавлат сиёсий ташкилотларидан (масалан, партиялар, ҳаракатлар) фарқ қилади.

Биринчидан, давлат бутун мамлакат миқёсида сиёсий ҳокимиятнинг ягона ҳудудий тузилиши сифатида намоён бўлади. Давлат ҳокимияти муайян ҳудуд доирасидаги бутун аҳолига ёйилади. Жамиятнинг яхлитлигини ва унинг аъзоларининг ўзаро таъсирини фуқаролик институти таъминлайди. Ҳар бир алоҳида шахс учун айнан фуқаролик институтининг мавжудлигида давлатнинг моҳияти ўз ифодасини топади. Муайян ҳудудда ҳокимиятнинг амал қилиши унинг макондаги чегараларининг - яъни бир давлатни бошқа давлатдан ажратиб турувчи давлат чегараларининг ўрнатилишига олиб келади. Мазкур ҳудуд доирасида аҳоли устидан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг тўла амал қилиши ва устуворлигига эга бўлади.

Иккинчидан, давлат сиёсий ҳокимиятнинг шундай ўзига хос тузилишига эгаки, унинг таркибига жамиятни бевосита бошқарувчи ташкилотлар ва муассасалар тизими ҳамда махсус механизмлар киради. Давлат механизми

қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти институтларидан иборатдир.

Учинчидан, давлат ижтимоий ҳаётни ҳуқуқ асосида ташкил этади. Фақатнига давлат жамият ҳаётини умуммажбурий табиатга эга қонунлар ёрдамида идора қилиш ҳуқуқига эгадир. Ҳуқуқий меъёрлардан ўрин олган талабларни давлат ўзининг махсус ташкилотлари (суд, маъмурият) ёрдамида ҳаётга татбиқ қилади.

Тўртинчидан, давлат мустақил ҳокимият тузилишига эга. Давлат ҳокимиятнинг мустақиллиги мамлакат ичидаги ҳар қандай бошқа ҳокимиятлардан ёки бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда унинг устунлиги ва мустақиллигида намоён бўлади. Давлат ҳокимиятининг устунлиги қуйидагилардан намоён бўлади:

- * аҳоли учун унинг қарорларининг умуммажбурийлиги;
- * нодавлат сиёсий ташкилотларининг ажрим ва қарорларини бекор қилиш имконияти;
- * қатор фавқулодда ҳуқуқларга, масалан, аҳоли учун мажбурий табиатга эга қонунлар чиқариш ҳуқуқига эгаллиги;
- * бошқа ташкилотларда йўқ бўлган аҳолига таъсир кўрсатишнинг махсус воситаларининг мавжудлиги (мажбурлаш ва зўрлаш аппарати).

Бешинчидан, давлат мажбуран йиғиладиган солиқ ва бошқа зарурий тўловлар тизимига эгаки, ушбу тизим унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти институтларининг нисбати кўп жиҳатдан аниқ жамиятда давлат бажарадиган вазифалар билан белгиланади. Бундай вазифаларнинг ҳажми жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий етуқлиги билан, асосий ҳокимият институларининг роли ва уларни шакллантириш тамойиллари билан шартланган. Етуқ фуқаролик жамияти давлатга нисбат берилган вазифалар миқдорини имкон қадар қисқартиради ва фақатгина энг муҳимларини қолдиради. Булар: ҳуқуқ-тартиботни ва шахснинг ҳавфсизлигини таъминлаш, муҳитни ҳимоя қилиш

ва ҳоказо. Ривожланаётган жамиятлар, аксинча, давлатнинг инсон ҳаётини назорат қилиш қобилиятининг кенгайиши билан характерланади. Бундай мамлакатларда ҳокимиятлар бўлиниши, уларнинг мувозанати, сиёсий роль ва вазифаларнинг ихтисослашуви, ҳуқуқнинг устунлиги тамойиллари мавжуд бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳам давлат сифатидаги конституциявий-ҳуқуқий таърифи бир қанча ҳуқуқий ва назарий адабиётларда очиб берилган. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, тили, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹².

Юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг барча мамлакатларида ўз салбий таъсирини кўрсатиб, иқтисодий ривожланишни сусайтирмоқда. Бунга асосий сабаб қилиб давлатнинг молиявий институтлар устидан етарлича назорат ўйқлигини кўрсатиш мумкин. Иқтисодий жараёнларни бошқаришда, умуман ижтимоий ҳаётни тартибга солишда давлатнинг, жумалдан уни ташкил этувчи институтларнинг аҳамияти ошмоқда. Ҳозирги замон иқтисодчилари таъкидлаганидек бугунги кунга келиб маданий омилларнинг иқтисодиётга таъсири тобора ошиб бормоқда.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий мафкура. 1-том.-Т.:Ўзбекистон, 1996. 44-б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.-,2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни Т.-2001 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуни.-Т. Қонунлар тўплами, Адолат, 2002 й.
4. “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонун.-Т. Қонунлар тўплами, Адолат, 2002 й.
5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонун.-Т. Қонунлар тўплами, Адолат, 2002 й.
6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонун .-Т. Қонунлар тўплами, Адолат, 2002 й.
7. “Судлар тўғрисида”ги Қонуни .-Т. Қонунлар тўплами, Адолат, 2002 й.
8. “Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни.-Т. Қонунлар тўплами, Адолат, 2002 й.
9. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни.-Т. Қонунлар тўплами, Адолат, 2002 й.
10. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни
11. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
12. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
13. “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.

14. “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й..
15. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
16. “Хусусий корхона тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
17. “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
18. “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
19. “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
20. “Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
21. “Гаров реестри тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
22. “Риэлторлик фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
23. “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.
24. “Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Т. Қонунлар тўплами Адолат 2010 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари

25. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2008 йил 14 июндаги Фармони // Халқ сўзи, 15 июнь.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. «Халқ сўзи», 2008 йил 28 январь. №23, (3135).
27. “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

28. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, «Ўзбекистон» 2009 йил 56 б.
29. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
30. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи // 29.01.2010
31. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси. 2008 йил 5 декабрь.
32. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

килинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.

33. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
34. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: “Ўзбекистон”, 1995.

IV. Дарсликлар.

28. А.В.Вахабов, Н. Х. Жумаев, Э. А. Хошимов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози:сабаблари,хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Т.: “Akademnashr”,2009
29. Эркаев Б.А, Каримова Г.И, Абулқосимов Ҳ.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари.
30. Аристотель. Этика. Риторика. Поэтика. Категории. М., 1998. Бауман, З. Индивидуализированное Общество. М., 2002.
31. Беккер, Г. С. Человеческое поведение: Экономический подход. М., 2003.
32. Блауг, М. 100 великих экономистов до Кейнса. СПб., 2005.
33. Блауг, М. 100 великих экономистов после Кейнса. СПб., 2005.
34. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория : учебник / под Общей ред. д.э.н., проф. А.А. Аузана. М., 2005.
35. Институциональная экономика :учебник / под общ. ред. А.Н. Олейника. М., 2005.
36. Корнейчук, Б. В. Экономика : учебник. М., 2004.
37. Майбурд, Е. М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М., 1996.

38. Нельсон, Р. Р., Уинтер, С.Дж. Эволюционная теория экономических изменений. М., 2002.
39. Шумпетер, Й. Теория экономического развития. М., 1984.
40. Шумпетер, Й. История экономического анализа : в 3 т. СПб., 2001.
41. Шумпетер, Й. Капитализм, социализм и демократия. М., 1995.
42. Эггертссон, Т. Экономическое поведение и институты. М., 2002.

V. Ўқув қўлланмалар.

43. Кузьминов, Я. И., Юдкевич, М. М. Институциональная экономика: учеб. пособие. М., 2000.
44. Олейник, А. Н. Институциональная экономика : учеб. пособие. М., 2002.
45. Юдкевич, М. М., Подколозина, Е. А., Рябинина, А. Ю. Основы теории контрактов: модели и задачи : учеб. пособие. М., 2002.
46. Введение в институциональный анализ / под ред. В.Л. Тамбовцева. М., 1996.
47. Тамбовцев, В. Л. Государство и экономика. М., 1997.
48. Тамбовцев, В. Л. Государство и переходная экономика: пределы управляемости. М., 1997.
49. Тамбовцев, В. Л. Контрактная модель стратегии фирмы. М., 2000.
50. Фуруботн, Э. Г., Рихтер, Р. Институты и экономическая теория: Достижения новой институциональной экономической теории. СПб., 2005.
51. Харт, О. Д. Неполные контракты и теория фирмы // Природа фирмы / под. ред. О. Уильямсона, С. Уинтера. М., 2001.
52. Хайек, Ф. А. Пагубная самонадеянность. М., 1992.
53. Хайек, Ф.А. Частные деньги. М., 1996.
54. Ходжсон, Дж. Экономическая теория и институты: Манифест современной институциональной экономической теории. М., 2003.
55. Хэй, Д., Моррис, Д. Теория организации промышленности : в 2 т. СПб., 1999.

VI. Монография ва илмий мақолалар.

56. *Веблен, Т.* Теория праздного класса. М., 1984.
57. *Акерлоф, Дж.* Рынок «лимонов»: неопределенность качества и рыночный механизм // THESIS. 1994. Вып. 5.
58. *Алле, М.* Поведение рационального человека в условиях риска: критика постулатов американской школы // THESIS. 1994. Вып. 5.
59. *Бауман, З.* Индивидуализированное Общество. М., 2002.
60. *Бек, У.* Общество риска. На пути к другому модерну. М., 2000.
61. *Белл, Д.* Грядущее постиндустриальное Общество. Опыт социального прогнозирования. М., 2004.
62. *Бьюкенен, Дж.* Конституция экономической политики // Избранные труды. М., 1997.
63. *Валлерстайн, И.* Конец знакомого мира: социология XXI века. М., 2004.
64. Введение в институциональный анализ / под ред. В.Л. Тамбовцева. М., 1996.
65. *Вебер, М.* Протестантская этика и дух капитализма // Избранные произведения. М., 1990.
66. *Вебер, М.* История хозяйства. Город. М., 2001.
67. *Вебер, М.* «Объективность» социально-научного и социально-политического познания // Теоретическая социология: Антология : в 2 ч. Ч. 1. М., 2002.
68. *Норт, Д.* Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М., 1997.
69. *Пигу, А.* Экономическая теория благосостояния. М., 1985.
70. *Поллак, Р.* Трансакционный подход к изучению семьи и домашнего хозяйства // THESIS. 1994. Вып. 6.
71. *Саймон, Г.* Рациональность как процесс и продукт мышления // THESIS. 1993. Вып. 3.

72. Саймон, Г. Теория принятия решений в экономической науке и науке о поведении // Теория фирмы. СПб., 1995.
73. Сапир, Ж. К экономической теории неоднородных систем. Опыт исследования децентрализованной экономики. М., 2001.
74. Селигмен, Б. Основные течения современной экономической мысли. М., 1968.

VII. Статистик маълумотлар тўплами.

75. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Т. 2007-2009 й.
76. Ўзбекистон минтақалари. Т. 2006-2008 й.

VIII. Газета ва журналлар.

77. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали, 2008-2009 й.
78. «Бозор, пул, кредит» журнали, 2008-2009 й.
79. «Иқтисодиёт ва таълим» журнали, 2008-2009 й.
80. «Ҳамкор», «Халқ сўзи», «Тошкент оқшоми» газеталари 2008-2009 йил сонлари.

IX. Интернет сайтлари.

81. <http://www.harvard.edu>
82. <http://www.capitul.ru>
83. <http://www.5b.ru>
84. www.press-service.uz.
85. www.gov.uz. -
86. www.tsue.uz -
87. www.stat.uz.
88. <http://ecsocman.edu.ru/>
89. <http://biblioteka.cc/>
90. <http://www.twirpx.com/library/>
91. <http://www.allbest.ru/>

92. <http://www.ie-boom.ru/>
93. <http://www.statistics.uz>
94. <http://www.pravouch.com/>
95. <http://www.lex.uz>
96. [http://www.norma.uz\](http://www.norma.uz/)